БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-йил чиқиши

№ 97 (1875)

17 МАЙ ЧОРШАНБА 1961 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ВАТАНПАРВАР СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ—ОЛДИНГИ МАРРАЛАРДА

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ II СЪЕЗДИ

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дугоналар!

Ўзбекистон хотин-қизлари II съездининг делегатлари 16 майда Навоий номли опера ва балет театрига кира беришда бир-бирлари билан ана шундай илиқ сўзлар билан учрашдилар. Театр олдидаги чиройлик безатилган майдон катта саҳнага ўхшаб қолди. Съезд очилишидан анча олдин бу ерда карнай садолари, рақс ва қувноқ ашулаларнинг оҳанглари янграб эшитилди.

Бу ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари учун қувончли байрамдир. — Совет Шарқи хотин-қизларининг бахтли тақдири Улуғ Октябрь ғоялари тантанасининг, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин далилларидан бири бўлиб қолди. Республиканинг энг узоқ жойларидан совет ватанпарвар хотин-қизлари шонли армиясининг энг яхши вакиллари меҳнат соҳасидаги янги муваффақиятлари тўғрисида, етти йилликни амалга ошириш жараёнида туғилган ўз режа ва фикрлари ҳақида бир-бирлари билан суҳбатлашиш учун, коммунистик қурилишдаги ўз вазифаларини амалий муҳокама қилиш учун Тошкентга келдилар.

Театр зали чиройлик безатилган. Миллий либосларда ясанган ўзбек хотин-қизлари билан бир қаторда уларнинг дугоналари ва улар билан бирга ажойиб келажакни яратувчи мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг намояндалари бўлган хотин-қизлар ҳам ўтиришибди. Съезд делегатлари ўзларининг азиз меҳмонларини — Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Закавказье хотин-қизларининг вакилларини самимий кутиб оладилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** кириш нутқи сўзлаб, съездни очади.

Совет Ўзбекистони хотин-қизларининг иккинчи съезди, деди ўртоқ Ш. Р. Рашидов, — шонли ишчилар синфимиз, колхозчи деҳқонларимиз, истеъдодли зиёлиларимиз КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини мисли кўрилмаган зўр ғайрат билан амалга ошираётган, жонажон Коммунистик партиямизнинг XXII съездини муносиб равишда кутиб олиш учун тайёргарлик кўраётган ажойиб кунларда тўпланди.

Совет кишиларининг янги шонли ишлари тўғрисида, ҳақиқатан ҳам буюк ва қаҳрамонона зафарлари тўғрисида кун сайин хушхабарлар келиб турибди. Севикли социалистик Ватанимиз бутун кучини ишга солиб ижодий кучларини бенихоя юксалтириб, коммунизмнинг нуроний чўққилари сари ғолибона қадам ташлаб бормоқда.

Коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган хотин-қизларимиз партия ва халқнинг буюк ижодий ишларида жуда катта роль ўйнамоқдалар. Владимир Ильич Ленининг хотин-қизлар тўла озод қилинганидан кейингина пролетариат батамом озод бўла олади, деб башорат қилиб айтган гаплари рўёбга чиқди.

Коммунистик партиянинг оталарча ғамхўрлиги туфайли совет хотин-қизлари фан ва маданиятнинг кенг йўлига чиқиб олдилар. Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида, давлатни бошқаришда актив иштирок қилишлари учун бутун шарт-шароит вужудга келтирилди.

Буни революциядан илгариги даврда хотин-қизлар жуда қаттиқ эзилиб ва оғир кулфатларга дучор бўлиб келган шарқий республикалар, жумладан, Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Дин ҳамда боғи феодалларча урф-одатлар хотин-қизларнинг миясини доим заҳарлаб келган, уларни нодонлик ва жаҳолатда сақлаб келган эди.

Совет ҳокимияти даврида партиямизнинг ҳоҳиши ва иродаси билан хотин-қизларнинг оила ва жамиятда тутган ўрни тубдан ўзгарди. Меҳнаткаш хотин-қизлар, оналар бизда бутун халқнинг иззат-ҳурматига сазовордирлар.

Бу — жаҳоншумул — тарихий ғалабадир. Биз социалистик экономика ва маданиятимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ажойиб хотин-қизлар — партия, совет ва хўжалик раҳбарлари, олимлар, ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, инженерлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан ҳақли суратда фахрланамиз. Улар социалистик экономика ва маданиятимизни ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалигида ишлаётган кишиларнинг қарийб ярмисини хотин-қизлар ташкил этади, неча минглаб хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар.

Никита Сергеевич Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида Турсуной Оҳунова ва унинг кўпгина дугоналари бажараётган қаҳрамонона ишлар тўғрисида гапириб, уларнинг ажойиб иш муноталари совет тузуми шароитида Совет Иттифоқининг шарқий республикаларидаги хотин-қизлар қандай ўсганлигини, уларнинг коммунистик қурилишдаги роли нечоғлик ошганлигини кўрсатади, деб таъкидлади.

Никита Сергеевич Турсуной Оҳуновага юборган табригида бундай деб ёзган эди:

«Сизнинг муваффақиятларингиз ана шу жиҳатдан ҳам ажойибки, Сиз барча ўзбек хотин-қизларига ва Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидаги хотин-қизларга яхши намуна кўрсатдингиз. Ана шу республикаларда ўтмишда ислом динининг таъсири кучли эди, хотин-қизлар зулм остида қолган эдилар, эркакларнинг хотин-қизларга нисбатан қандайдир устун туриши ҳақида фикр кишиларнинг онгига сингдирилган эди. Бу ерда ҳамма оғир ишларни хотин-қизлар бажарар эди. Улар кетмон билан ишлар, минг-минг тонналаб пахтани ўз елкаларида ташир эдилар».

Хотин-қизларимиз ҳозирги гўзал ва келажакдаги янада порлоқ ҳаётлари учун улуғ Ленин партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетига жонажон Совет ҳукуматига чин кўнгилдан миннатдорчилик ва самимий ташаккурларини изҳор қилмоқдалар. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи съездидан буён уч йил ўтди. Республика партия ташкилоти бу давр ичида хотин-қизларни ижтимоий — сиёсий ҳаётга тортишда муайян иш қилди. Бу соҳада анчагина иш қилинган бўлса ҳам, яна жуда кўп иш қилишимиз керак. Бу съезд республика хотин-қизларининг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини тағин ҳам ошириш учун амалий талбирлар белгилаб бериши керак.

Сизларга маълумки, Ўзбекистон меҳнаткашлари етти йиллик планнинг улуғвор топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан катта мажбуриятлар олдилар. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидаги умумхалқ курашида республикамизнинг роли йил сайин ошмоқда. Хотин-қизларимиз актив иштирок қилмасалар, олдимизда турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажариб бўлмайди.

Биз халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма соҳалари учун хотин-қиз кадрларни умумий таълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий муассасаларда янада кўпроқ тайёрлашимиз керак. Хотин-қизлардан мутахассислар ва илмий ходимларни янада кўпроқ етиштиришимиз, билимли ва тажрибали хотин-қизларни раҳбарлик ишларига дадил кўтаришимиз керак.

Хотин-қизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш ҳозир ҳам энг муҳим вазифамиздир. Бунинг учун аввало, хотин-қизларга зарур шароит туғдириб бериш керак. Партия ташкилотлари болалар муассасалари, интернатлар, узайтирилган кун группалари ва мактаблар сонини кўпайтириш, мактабларнинг ҳаммасини бир сменага кўчиришни тугаллаш соҳасида қунт билан ишлашлари керак, токи корхоналарда ишлаётган оналар ўз болалари учун ташвиш тортмасинлар ва ўз болаларининг мактабларда пухта билим олаётганликларига ва болалар муассасаларида яхши тарбияланаётганликларига кўнгиллари тўк бўлсин. Хотин-қизлар учун тезроқ яхши маданий-маиший шароит яратиб беришимиз, ошхона, нонвойхона, кирхона ва бошқа маиший корхоналар сонини кўпайтиришимиз керак.

Ҳали ҳам айрим жойларда қизлар ўқишдан қолдирилмоқда, балоғатга етмаган қизлар эрга берилмоқда, баъзи эркаклар хотин-қизларни хўрламоқдалар. Кўпинча ёмон оқибатларга олиб келадиган ўтмишнинг бундай разил сарқитларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Лекин бу сарқитлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Бу сарқитларни йўқотмоқ учун меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида доим зўр ғайрат билан иш олиб бориш керак. Хотин-қизларнинг иззат-ҳурматини таҳқир этадиган, совет оиласининг негизларига путур етказадиган ярамас кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортиш керак.

Республикамизда неча ўнлаб миллат вакиллари бир жон, — бир тан бўлиб, аҳиллик билан меҳнат қилмоқдалар Барча меҳнаткашларни қардошларча дўстлик, бирдамликларини яхши ҳурмат қилиш ва севиш руҳида, социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш республика партия ташкилотининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келди ҳозирда ҳам шундай ва бундай буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Азиз ўртоқлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан сизларни — шу съезднинг делегатларини ва барча қатнашчиларини самимий табриклашга ва ишларингизда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Рашидов съездда қатнашиш учун қардош республикалар— Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон хотин-қизларининг Ўзбекистонга келган вакилларини самимий табриклайди. Уларнинг Республикамизга келишлари, дейди у, пролетар интернационализмининг буюк байроғини баланд кўтарган совет халқларининг метиндек мустаҳкам бирлигини, уларнинг чинакам қардошлигини яққол исбот этувчи яна бир далилдир. Ўртоқ Ш. Рашидовнинг бу сўзлари қарсаклар билан кутиб олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан, республиканинг ҳамма меҳнаткашлари номидан, дейди ўртоқ Ш. Рашидов, азиз меҳмонларимизни самимий табриклашга ва улар орқали қардош республикаларнинг барча эркак ва аёл ишчилари, колхозчилари, зиёлиларига оташин салом йўллашга ҳамда уларнинг коммунизм қурилишида янгидан-янги меҳнат ғалабаларига эришишларини астойдил тилашга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

Съезд очиқ деб эълон қилинади.

СССР ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари тантанавор янграйди.

Съезд президиуми сайланади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари — М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, М. М. Мусахонов, Г. Ф. Наймушин, Е. С. Насриддинова, Ш. Р. Рашидов, З. Р. Раҳимбобоева, Ф. Е. Титов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар — И. П. Бурмистров, Қ. М. Муртазоев, қардош республикалар хотин-қизлар делегацияларининг раҳбарлари — Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири М. А. Асатрян, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Т. Бобоева, Озарбайжон Компартияси Оржоникидзе район комитетининг биринчи секретари С. А. Гажиева, Грузия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. А. Квачадзе, Тожикистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Каримова, Қирғизистон Компартияси Фрунзе шаҳар комитетининг секретари Д. Н. Насупова, Қозоғистон Компартияси Олмаота область комитетининг секретари Б. Р. Рамазановалар президиумдан жой олдилар Республиканинг донгдор хотин-қизлари ҳам президиумга чиқадилар. Уларнинг номларини барча совет кишилари ифтихор билан тилга олмоқдалар.

Номлари барча совет кишилари томонидан ифтихор билан тилга олинаётган республиканинг донгдор хотин-қизлари — Чиноз районидаги Киров номли колхоз пахта терими машинасининг механиги Ҳайдовчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Охунова, Олтинариқ районидаги Карл Маркс номли колхозининг раиси З. Аҳмадалиева, Тўрткўл районидаги «Ленинград» колхозининг чўчқабоқари М. Г. Бунина, «Олмалиқ свинецстрой» трести қурилиш монтаж бошқармаси сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Л. Г. Дудина, Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг бригада бошлиғи Т. Кардаш, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози маккажўхорикор бригадасининг бошлиғи Любовь Ли, Термиз пахта тозалаш заводининг смена мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. М. Майорова, Ургут районидаги Ворошилов номли колхозининг сут соғувчиси М. Саидмуродова, «Томди» совхозининг бош чўпони К. Эмжарова ва бошқалар президиумга чиқадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети Президиуми баланд руҳ билан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА).



Ўртоқ Николай Григорьевич ИГНАТОВГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби бўлган Сизни олтмиш ёшга тўлган кунингизда қизғин табриклайдилар.

Дўстимиз ва ўртоғимиз, қадрли Николай Григорьевич, Сизга кўп йиллар сиҳат-саломатлик ҳамда совет халқи бахт-саодати йўлида янада самарали ишлашингизни тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ Николай Григорьевич Игнатовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ўртоқ **Н. Г. Игнатов** туғилган кунга олтмиш йил тўлиши муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдирлаб, ўртоқ Николай Григорьевич **Игнатовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ҳамда унга **Ленин** ордени ва **«Ўроқ ва болға»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил 15 май.

Сўнгги ахборот

ЛЕНИН МУКОФОТИ ЛАУРЕАТИНИ ҚУТЛАШ

БАЙРУТ, 15 май. (ТАСС). Триполи шаҳрининг тинчлик тарафдорлари «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Антуан Табет шарафига катта қабул маросими ўтказдилар. Бу қабул маросимида ташқи ишлар бўйича парламент комиссиясининг раиси Рашид Караме, мамлакат жамоатчилигининг, савдо ва саноат доираларининг кўпгина вакиллари қатнашдилар. Парламент депутати Ҳошим ал — Ҳусайн лауреатни табриклаб, унинг Ливанда тинчликни, мустақилликни ва демократияни мустаҳкамлаш соҳасидаги катта хизматларини таъкидлаб ўтди.

ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БУЙРУҚ ТАСДИҚЛАНДИ

ХАНОЙ, 15 май. (ТАСС). Лаосдан хабар берадилар: Вакиллари ҳозир Намондаги (Лаос) конференцияга тўпланган уч томон ўртасидаги битимга мувофиқ, Лаос короллиги армиясининг олий қўмондонлиги ва Нео Лао Хак Сат партияси қуролли кучларининг олий қўмондонлиги бугун радио орқали эшиттирилган ахборотда 1961 йил 3 майдан бошлаб Лаосда ўт очишни тўхтатиш тўғрисида ўзларининг буйруқ берганликларини яна тасдиқладилар.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ ТЎНТАРИШГА ДОИР

ПАРИЖ, 16 май (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Сеулдан берган хабарига қараганда, Жанубий Кореядаги Америка қўшинларининг қўмондонлиги ҳарбий тўнтариш муносабати билан бугун ҳарбий тревога эълон қилган. Америка қўшинларига казармаларда қолиш ва «ҳар қандай фавқулодда воқеаларга» тайёр бўлиш юзасидан буйруқ берилган. Қўшинлар қўмондони генерал Магрудер рўй берган аҳволни муҳокама қилиш учун ҳарбий вакилларнинг шошилинч кенгашини чақирган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика колхозлари ва совхозлари етти йиллигининг учинчи йилида чигитни асосий майдонларда қисқа муддатда ва юксак агротехника даражасида экиб олганликларини, кўпгина колхозлар ғўза парваришини ўз вақтида намунали ташкил қилиб, дастлабки ғўзанинг биринчи парваришини тамомлаётганликларини қайд қилиб ўтадилар.

Шу билан бирга айрим хўжаликлар экинларни парвариш қилишни кечиктириб юбордилар. Бунинг оқибатида анчагина майдондаги ғўзанинг нормал ривожланиши кўнгилдагидек эмас. Ҳали ҳамма майдонда чигит текис ундириб олинмаган. Узунасига-кўндаланги. га культивация қилиш, яганалаш, озиқлантириш секинлик билан бормоқда. Ғўзанинг нормал ривожланиши учун шароит яратилмаган. Кўпгина далаларда ғўза бегона ўтга олдириб қўйилмоқда.

Ғўзанинг чаңқаб қолаётганига қарамай, айрим хўжаликларнинг раҳбарлари суғоришни сунъий равишда кечиктирмоқдалар, бу ҳосилга жиддий путур етказади. Кўпинча культивация сифатсиз ўтказилянти, ўғит нотўғри солиняпти ва кўп ҳолларда қаторларнинг яқинига эмас, балки қатор орасининг ўртасига 10—12 сантиметр ўрнига фақат 3—5 сантиметр чуқурликда солинмоқда. Ғўзани озиқлантиришда ўғит нормасига эътибор берилмаяпти.

Кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари техникадан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар. Трактор культиваторларининг учдан бир қисми ҳа нузгача ишга туширилмаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари экинлар парвариши биринчи циклининг ҳал қилувчи аҳамиятига етарли баҳо бермаётирлар, деб ҳисоблайдилар.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари мунтазам равишда далада бўлаётган ҳозирги пайтда дала шийпонларини, шу болалар муассасалари биноларини ремонт қилиш ва ёз мавсумига мослаб жиҳозлаш тугалланган эмас.

Кўпгина область ва район партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари қолоқ колхоз ва совхозларга етарли эътибор ва ёрдам бермаётирлар, бундай хўжаликларда мўл ҳосил етиштириш республика бўйича ҳосилни кўп етиштиришга имкон беришини ҳисобга олмаётирлар.

Қишлоқ хўжалик министрлиги пахта етиштиришнинг илғор усулларини ўрганиш, оммалаштириш ва жорий этиш ишларини авж олдириб юбормаётирлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика министрлар Совети ҳозирги юз берган шароитда колхозлар ва совхозларнинг, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг барча кучларини экинларни парвариш қилишни тубдан яхшилашга дарҳол сафарбар этиш зарур деб таъкидладилар.


Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети республика қишлоқ хўжалик министрлиги ва сув хўжалиги министрлигидан, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасидан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги совхозлар Бош бошқармасидан, область ва район партия комитетларидан, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советидан, область ва район ижроия комитетларидан, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан ғўза парваришидаги қолоқликка хотима беришни ҳамда ғўза парвариши, суғориш ва озиқлантиришни агротехника талабларига тўла риоя қилган ҳолда ташкил қилишни талаб этадилар.

Ғўза парваришининг биринчи цикли (узунасига-кўндаланга культивация, яганалаш, озиқлантириш, оласини тўлдириш) 25 майдан кечиктирилмай тугалланиши. Қорақалпоғистон АССР да эса 1 июнда тамомланиши керак. Ғўза парваришининг бундан кейинги циклларини учун 12—15 кундан кўп бўлмаган мудат белгиланади.

Ерлардан тўла фойдаланиш ва ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш пахталан мўл ҳосил олишда асосий омил эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ғўза парваришида ишлаётган барча агрегатларнинг унумли ишлашини таъминлаш, қатор ораларини кенг юмшатган ҳолда узунасига-кўндалангига культивация ўтказилишини, мавжуд ротацион иш органлари ва қатор ораларини қатламлаб ишлайдиган иш органларининг тўла ишга солинишини таъминлашни топширдилар.

Ғўза қатор ораларини кўп марта ишлашга йўл қўйиб бўлмайди. Агар бунга йўл қўйилса, ғўза тупларини сийраклашади, гупроқ қуриб қолади, маҳсулот таннархи қимматлашади. Ўсимликнинг илдиз системаси зарарланади ва ғўзанинг вильт касаль кўп тарқалиб кетади. Бутун вегитация даврида далалар бегона ўтлардан тоза ва тупроқ яхши юмшатилган ҳолда сақланиши керак. Бунинг учун ғўза парвариши сифатли ўтказилиши лозим:

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)



Суратда: съезднинг мажлис лар залида. А. Наумов фотоси.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ Грузияда бўлиши

БАТУМИ, 15 май. (ТАСС). Ғарбий Грузия бўйлаб сафар қилаётган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Батумига келди. У билан бирга Грузия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, республика Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Джавахишвили ва Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзелар ҳам бу ерга келдилар.

Кобулети районида меҳмонларни Грузия КП Ажаристон область комитетининг биринчи секретари А. Д. Тхилайшвили, автоном республика Министрлар Советининг Раиси Л. М. Давитадзе, Ажаристон АССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. М. Комахидзе ва республиканинг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Батумининг ўртоқ Н. С. Хрушчев ўтиб борган марказий кўчаларига чиққан минглаб кишилар азиз меҳмонни қизғин табрикладилар.

БАТУМИ, 15 май. (ТАСС). Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилгани ва Грузия Коммунистик партияси тузилганининг 40 йиллигини байрам қилишда қатнашган КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Батумидан жўнаб кетди.

Батуми вокзалида ўртоқ Н. С. Хрушчевни Грузия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари В. П. Мжаванадзе, Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси Г. Д. Джавахишвили, республика Олий Совети Президиумининг Раиси Г. С. Дзоценидзе, шунингдек Грузия КП Ажаристон область комитетининг биринчи секретари А. Д. Тхилайшвили, Ажаристон АССР Министрлар Советининг Раиси Л. М. Давитадзе, Ажаристон Олий Совети Президиумининг Раиси Р. М. Комахидзе, Ажаристон меҳнаткашларининг вакиллари узатиб қолдилар.

КПСС XXII СЪЕЗДИНИ ВАТАНИМИЗ БАХТ-САОДАТИ ЙЎЛИДА ЯНГИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

*Ўзбекистон хотин-қизлари II съездида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ З. Р. Раҳимбобоева доклади**

Ўртоқлар! Ўзбекистон хотин-қизларининг биринчи съездидан бери уч йилдан кўпроқ вақт ўтди. Шу вақт ичида нақадар ажойиб ишлар бўлди! Партия XX ва XXI съездларининг, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларининг қарорлари билан қуролланган совет халқи коммунизм қурилишида жуда катта муваффақиятларга эришди.

Совет халқи буюк Ленин яратган ўз жонажон партияси раҳбарлиги остида дадил қадамлар ташлаб ишонч билан коммунизм сари бормоқда. Биз бахтлимиз, чунки Ерда энг яхши, энг илғор, энг адолатли жамият қурмоқдамиз, бу жамиятда барча моддий неъматлар мўл-кўл бўлади ва дунёқараши янгича бўлган, эски дунёнинг иллат ва маразларидан холи бўлган ҳар томонлама етук инсон етишиб чиқмоқда. Биз бахтлимиз, чунки биз жаҳон социалистик системаси кишилик жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланаётган даврда, ижодий марксизм-ленинизм тантана қилган даврда яшамоқдамиз. Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг 1960 йил ноябрда бўлиб ўтган Москва Кенгаши ижодий марксизм-ленинизмнинг тантана қилганлигини яна бир марта намойиш қилди.

Бизлар Ўзбекистон хотин-қизлари II съездига совет кишиларининг КПСС Марказий Комитети январь Пленуми тарихий қарорларидан ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездига тайёргарлик туфайли вужудга келган сиёсий ва меҳнат активлиги мисли кўрилмаган даражада юксалган бир вазиятда тўпландик. Пленум ўртага қўйган вазифаларни ҳал қилишда қишлоқ хўжалик илғорларининг КПСС Марказий Комитети ташаббуси билан ўртоқ Н. С. Хрущев иштирокида ўтказилган зонал кенгашлари жуда катта роль ўйнади. Бу кенгашлар илғор тажрибанинг чинакам мактаби бўлди, партия ва халқ бирлигининг ёркин намойишига айланди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини шараф билан бажаришга, буюк етти йилликнинг учинчи йилини, партиянинг XXII съезди чақириладиган йилни экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги муваффақиятлар билан нишонлашга қатъий аҳд қилганлар. Мамлакатимизнинг бузилмас дўстлик билан бирлашган барча халқлари улуғ рус халқи бошчилигида етти йиллик вазифаларини бажаришга, коммунизмнинг порлоқ биносини қуришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Совет Ўзбекистони саноатининг меҳнаткашлари КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юбориб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик планини 104.8 процент бажардилар. Республикамиз колхозчилари ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари чигит, маккажўхори ва бошқа экинлар экишни асосан тугаллаб юқори ҳосил учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Илғор чорвадорлар гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун фидокорона кураш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Бу йил олимларимиз, конструкторларимиз, техникларимиз, ишчиларимиз, коммунизм қураётган барча совет кишилари ақл ва меҳнатининг буюк ғалабаси билан нишонланди. 1961 йил 12 апрелда жаҳон тарихида биринчи марта одам тушган «Восток» йўлдош кемаси космик фазога учирилди. Биз шу билан беҳад фахрланамизки, Ер атрофини айланиб чиққан биринчи одам — бизнинг ватандошимиз, ленинчи Коммунистлар партиясининг аъзоси Юрий Алексеевич Гагариндир.

Совет халқи ўзининг барча ғалабалари учун жонажон Коммунистик партиядан миннатдордир. Мамлакатимизнинг ва партиямизнинг бутун ҳаёти коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришга, янги одамни тарбиялашга қаратилган катта-катта тадбирлар, совет халқининг бутун дунёда тинчлик учун ҳормай-толмай олиб бораётган кураши халқ бахт-саодати учун буюк курашчи Никита Сергеевич Хрущев бошлиқ КПСС ленинчи Марказий Комитетининг, унинг Президиумининг доно фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Ватанимизнинг ютуқлари жуда катта. Хотин-қизларнинг маънавий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан ўсиши бунинг энг ёркин ва қувончли мисолидир. Революцияга қадар хотин-қизларнинг нақадар ҳуқуқсиз бўлганлиги, уларнинг қисмати нақадар аянчли бўлганлиги ҳаммага маълум. Россиянинг миллий четка ўлкаларидаги хотин-қизларнинг қисмати айниқса оғир эди.

Совет ҳокимияти, Коммунистик партия хотин-қизларнинг зулм ва жаҳолат оламидан ёруғлик ва бахт-саодат оламига чиқишига ёрдам қилди. Улуғ Ленин: «хотин-қизларнинг тўла озод бўлиши учун ва уларнинг эркаклар билан амалда тенг бўлмоғи учун ижтимоий хўжалик бўлмоғи ва хотин-қизлар умумий унумли меҳнатда иштирок этмоғи лозим». — деб ёзган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати хотин-қизларнинг ленинча тенг ҳуқуқлилиги идеяларини оғишмай амалга ошириб келди ва ошириб келмоқда. Ҳозир Совет Иттифоқида Улуғ Октябрь озод қилган хотин-қизлар халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг барча соҳаларида ишламоқдалар.

Н. С. Хрущев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида Турсуной Охунова ва унинг дугоналари ташаббуси билан бошланган ҳаракатнинг аҳамиятини таъкидлаб: уларнинг мисоли «Совет тузуми даврида Совет Иттифоқининг шарқий республикаларида яшовчи хотин-қизлар нақадар ўсганлигини, коммунистик қурилишда уларнинг роли нақадар кўтарилганлигини кўрсатади», — деб айтган эди. Дарҳақиқат, Совет Шарқида, шу жумладан Ўзбекистонда ўз куч-ғайратини, ақлини, меҳнатини умумий ишга — коммунизмга бағишлаётган янги, мағрур ва жасур аёллар етишиб чиқди.

КПСС Марказий Комитети 8 мартдаги табригида, совет хотин-қизлари бундан буён ҳам коммунизм қурувчиларининг биринчи сафларида борадилар, улар ленинчи партиямизнинг XXII съездини етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун, мамлакатда маҳсулотларни мўл-кўл қилиш ва совет кишиларининг эҳтиёжларини тўла қондириш учун курашда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар, деб қатъий ишонч билдирди. Бизнинг вазифамиз жонажон партиянинг чақириғига конкрет, амалий ишлар билан жавоб беришдир.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда йирик социалистик индустрия вужудга келтирилди. Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг ўзидагина 320 минг киши ишлаб турибди. Ишчилар синфи армиясининг инженер-техник ходимларнинг қарийб 50 проценти, тўқимачилик, трикотаж, енгил ва озиқ-овқат саноатида эса 70-80 проценти хотин-қизлар эканлигидан қувонмай бўладими? Саноат корхоналарида ва муассасаларда хотин-қизлар йил сайин кўпайиб бораётганлиги жуда қувончлидир.

Юксак коммунистик онглилик намунасини кўрсатган шонли рус аёли Валентина Гаганованинг ташаббусига қўшилиб, Ўзбекистоннинг кўп минглаб илғор ишчилари қолоқ участкаларга ўтдилар ва ўз фидокорона меҳнатлари билан бу участкаларни илғорлар қаторига олиб чиқдилар. Гаганова изидан борганлар орасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиларидан — Светашова, Йўлдошева ва Сухорукова. Самарқанддаги «Ҳужум» фабрикасининг бригада бошлиғи комсомол аъзоси Л. Сулаймонова ва бошқа кўпгина аёллар бор.

Республикамиз хотин - қизлари янги жамият кишисининг ажойиб хислатларини гавдалантирувчи коммунистик меҳнат учун бошланган ажойиб ҳаракат иштирокчиларининг сафларидан муносиб ўрин олмоқдалар. Бу ҳаракатни Ўзбекистон тўқимачилари орасида Валентина Пидинова, радиолампа заводида Алла Сафонова, Чирчиқ электрокимё комбинатида Ҳалима Алимова бошлаб бердилар. Бухоро тикувчилик фабрикасида коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бригадаларга С. Убайдуллаева, З. Раҳматова, И. Муҳамедова, А. Винокурова, Р. Ҳайратова, А. Новицкая, Самарқанд гўшт комбинатида М. А. Жигунова, Урганчдаги Ленин номли тўқимачилик фабрикасида — Саодат Маткаримова, Анна Захаровна Огнева, Нукус тикувчилик фабрикасида — Ёқут Аметова бошчилик қилмоқда.

Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикасининг мастери Татьяна Кардаш раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасининг олижаноб ташаббусини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ керак. Бу аҳил коллектив кунлик топшириқни етти соатда эмас, балки олти соатда бажаришга аҳд қилган харьковликлар ташаббусини бизда биринчи бўлиб қўллаб-қувватлади.

Маҳаллий саноатда, транспорт ва алоқа корхоналарида, қурилишларда коммунистик меҳнат ҳаракати кенгайиб бормоқда. Ҳамма ерда хотин-қизлар — социалистик Ватанимизнинг шонли ватанпарварлари замонамизнинг бу ажойиб ҳаракатининг биринчи сафларида бормоқдалар. Ишлаб чиқаришда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатаётган хотин-қизларимиз беҳисоб кўпдир. Улар ишлаб чиқариш планларини тўла ва ошириб бажариш учун эркаклар билан баравар сабот ва матонат билан меҳнат қилмоқдалар.

Бироқ эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланиб қолмаслигимиз лозим. Саноатнинг ишида ҳали кўпгина камчиликлар мавжуддирки, уларнинг ҳаммаси учун биз сизлар билан бирга жавобгармиз, қадрли дугоналар. Бутун етти йиллик топшириқларини бажариш шу йилги планни муваффақиятли бажаришга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Бизнинг имкониятларимиз чиндан ҳам чексиздир. Бунинг учун ҳар кимнинг ўз участкасида бор кучи билан ишлашга, ҳамма эркак ва аёл ишчиларнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўз топшириқларини сўзсиз бажаришларига эришиш керак. Съездимиз барча ишчи, инженер-техник аёлларни меҳнат унумдорлигини ошириш маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун астойдил курашишга, коммунистик меҳнат ҳаракатида активроқ иштирок этишга, илғор методларни, новаторларнинг тажрибаларини, фан ва техника ютуқларини, энг янги технологияни дадиллик билан ишлаб чиқаришга жорий қилишга чақирмоғи лозим.

Республика партия ташкилоти хотин-қизларни саноат ишлаб чиқаришига тобора кўпроқ жалб этишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг хотин-қизлар орасидаги ишни кучайтириш тўғрисидаги маълум қароридан кейин бу ишда баъзи бир ижобий натижаларга эришилди. Бир қанча саноат тармоқларида хотин-қизлар сафи кенгайди.

Бироқ саноат корхоналарининг баъзи бир раҳбарлари хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш тўғрисида, хотин-қизлардан республика халқ хўжалиги учун жуда зарур бўлган турли касбдаги кадрлар тайёрлаш тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётирлар.

Хотин-қизларни саноат корхоналари, транспорт ва қурилишларга мумкин қадар кўпроқ тортиш керак. Хотин-қизларни раҳбарлик вазифаларига дадил кўтариш керак. Бу соҳада кейинги йилларда бирмунча ишлар қилинди. Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида инженер-техник вазифаларида ҳозир хотин-қизлардан қарийб 9 минг киши ишлаб турибди; улардан 38 киши корхона директори, 52 киши бош инженер бўлиб, 281 киши асосий мутахассис, 954 киши цех ва бўлим бошлиғи, 403 киши лаборатория мудири, 1203 киши мастер бўлиб ишламоқда. 1960 йилда халқ хўжалиги кенгаши бўйича хотин-қизлардан 526 киши раҳбарлик ишларига кўтарилди.

«Ташсельмаш» заводи цехининг бошлиғи ўртоқ Новиченко «Таштрансмаш» заводининг директори қилиб тайинланди. Бухоро пиллакашлик комбинатида СССР Олий Советининг депутати Фотима Шарипова мастерлик вазифасидан цех бошлиғи вазифасига кўтарилди. Маҳаллий саноатда раҳбарлик ишларига кўтарилган хотин-қизлар ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар.

Лекин биз бу соҳада қилинган ишларни фақат дастлабки қадамлар деб биламиз. Яхши билимдон, қобилиятли хотин-қизларни саноатдаги раҳбарлик ишларига бундан буён дадилроқ кўтариш, уларга кун сайин ёрдам бериб туриш керак.

Ўртоқ Н. С. Хрущев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган нутқида экономикани ривожлантириш ва мамлакатимиз меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини оширишда пахтанинг жуда катта халқ хўжалик аҳамиятига эга эканлигини яна бир марта алоҳида таъкидлаб ўтди. Пахта, деган эди у, иқтисодий жиҳатдан энг фойдали экиндир, бинобарин, унга кенг йўл очиб бериш керак. Ватанимизга тобора кўп ва арзон пахта бериш — Ўзбекистон меҳнаткашларининг интернационал бурчидир, ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан дўстлигининг моддий ифодасидир.

Партия XXI съездидан буён ўтган давр ичида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами натижасида республикада пахта етиштириш кўпайди, унинг ҳосилдорлиги ошди ва энг муҳими, пахтачиликни комплекс механизациялаштириш соҳасида катта қадам қўйилди. Жамоат чорвачилиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари яна ҳам ривожланди. Биз шу билан фахрлана оламизки, уларнинг ҳаммаси маълум даражада хотин-қизларимиз фидокорона меҳнати натижасидир. Хотин-қизлар республика қишлоқ хўжалигида ишлаётган барча меҳнаткашларнинг қарийб 53 процентини ташкил қилади.

Юқори унумдорлик йўлини кўрсатувчи машъаллар орасида социалистик Ватанимизнинг шонли ватанпарварлари бўлган хотин-қизлар жуда кўп. Улар — ана шу машъаллар ҳамма ерда — Фарғона водийсининг кенг далаларида, Мирзачўл экинзорларида, Зарафшон водийсида, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистоннинг оромбахш ерларида ёркин порлаб турибди. Нури бутун бепоён Советлар мамлакатига таралган энг ёруғ машъал — шонли дугонамиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охуновадир.

Турсуной Охунова Ўрта Осиё республикаларининг хотин-қизлари орасида партиянинг пахтачиликда техника тараққиёти байроғини юқори кўтариш, кетмонга бутунлай хотима бериш, пахта теримининг оғирликларини пўлат машиналарга юклаш тўғрисидаги чақириғига биринчи бўлиб жавоб берди ва чинакам тарихий ҳаракатга асос солди. Турсунойнинг техникани мукаммал эгаллаб олиш тўғрисидаги чақириғига фақат Ўзбекистонда эмас, балки пахта экувчи бошқа қардош республикалардаги неча юзлаб ва минглаб хотин-қизлар ҳам қўшилдилар. Ўтган йили Ўзбекистонда қиз-жувонлардан бир мингдан кўпроқ киши пахта териш машинасининг механик ҳайдовчиси касбини эгаллаб олди. Турсуной Охунова билан бир қаторда механик-ҳайдовчи Ойим Камолова ва Лола Қурбонова, Роҳилахон Бобораҳимова ва Матлуба Назарова, Ободон Дўсова ва Мўттихон Жумабоева, Башорат Тошгемирова ва Эътибор Набиева, Саодат Гулаҳмедова ва Обида Ҳамроева, Мария Ковалева ва Люба Шокирова, Саломатой Пирматова ва Роза Бойметова ва кўпгина бошқа механизаторларимиз далаларда ажойиб меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Техникани эгаллаш учун бошланган ана шу қудратли ҳаракатга КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми юксак баҳо берди. «Ўзбек хотин-қизларининг ташаббуси, — деди Н. С. Хрущев, — чиндан ҳам революцион аҳамиятга эгадир. Бу ташаббус пахтани машина билан териш проблемасини қисқа муддат ичида ҳал қилиш мумкин, деб ишонч билан айтиш имконини берди».

Республика партия ташкилоти ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган хотин-қизларни қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлик вазифаларига кўтариш ишини кучайтириб юборди. Мисол учун, Хоразм область. Янгиариқ районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Салима Бобожоновани олайлик. У раҳбарлик қилаётган колхоз ўтган йили 926 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан пахта етиштириб, пахта тайёрлаш давлат планини 124 процент бажарди. Колхоз чорва моллар сонини кўпайтириш, давлатга гўшт, сут, жун, пилла сотиш планларини ошириб бажарди. Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг донгдор бригада бошлиғи Шарофат Баракаева ҳар гектар ердан 79.6 центнердан пахта олди.

Бизда пиллачилик, сабзавотчилик, луб экинлари, боғдорчилик, узумчилик соҳасида ишлаётган жуда кўп ажойиб хотин-қизларимиз бор! Пиллачилик хўжаликнинг шундай бир тармоғики, бу тармоқни деярли фақат хотин-қизлар бошқарадилар. Уларнинг кўпчилигининг меҳнати катта ҳурматга сазовордир. Қорақалпоғистоннинг донгдор пиллачиси Анор Нуруллаева ўтган йили уч қути уруғдан 519 килограмм пилла олди. Кейинги йиллар ичида республикамизда жамоат чорвачилиги анчагина ривожланди. Чорвачиликнинг кўпгина тармоқларида хотин-қизлар меҳнатда қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатмоқдалар. Донгдор сут соғувчиларимиздан Зуҳра Комилова, Бўринисо Исоқова, Азиза Кенжаева, Майхонча Сайфутдинова ва бошқа кўпгина аёлларимизнинг номлари бутун мамлакатда машҳурдир. Бу илғорларимиз ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 5-6 минг килограммдан сут соғиб олмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг сут соғувчиси Роза Квон механизацияни жорий қилиш натижасида ҳозир 127 бош сигирни икки ярим соатда соғмоқда, «Красный водопад» тажриба базасининг сут соғувчиси Анастасия Ивановна Чудная эса 157 бош сигирни 2 соат 37 минутда соғмоқда.

Бизда гўшт етиштиришни кўпайтириш учун курашда жуда кўп ажойиб чўчқа боқувчи аёллар етишиб чиқди. Булар орасида Мария Бунина ва Елизавета Яроцкаянинг номларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Улар давлатга бир минг центнердан ва бундан ҳам кўпроқ арзон чўчқа гўшти топширмоқдалар. Вревский наслчилик совхозининг чўчқа боқувчиси Марта Михайловна Крокер ўтган йили 25 бош урғочи чўчқадан 850 чўчқа боласи олди ва уларни эсон-омон сақлаб қолди. Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг чўчқа боқувчиси Анна Ивановна Еретьенева ҳар бир урғочи чўчқадан 25 тадан чўчқа боласи олди. Чўчқабоқарларнинг яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирган республика кенгашида Андижон область, Сталин районидаги Калинин номли колхоз аъзоси Нина Бабич ажойиб доклад қилди. Унинг чўчқачиликни ривожлантириш соҳасидаги бой тажрибаси жуда катта эътиборга сазовордир.

Хотин-қизларимиз чорвачиликни ривожлантириш учун мустаҳкам ем-хашак базасини барпо этиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушуниб ўз кучларини ем-хашак экинлари ва энг аввало маккажўхорини кўпроқ етиштиришга сарфламоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги донгдор «Политотдел» колхозининг маккажўхорикор бригадасининг атоқли бригада бошлиғи Любовь Ли ўтган йили 100 гектар ернинг ҳар гектаридан думбул сўтаси билан 1850 центнердан маккажўхори ҳосили олди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган ютуқларимизда хотин-қизларимизнинг хизмати каттадир, бу ютуқлар бизнинг ҳар биримизни қувонтиради. Лекин, биз хўжаликнинг ана шу муҳим соҳасидаги мавжуд жиддий камчиликларни бир дақиқа ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Хотин-қизлар пахтачиликни ва республика қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини кескин суратда янада юксалтириш учун кўп ишлар қилишлари мумкин ва лозим. Ҳозир ҳаммамиз учун пахтадан юқори ҳосил олишни таъминлашдан кўра муҳим вазифа йўқ. Бу йил мамлакатга ҳар қандай шароитда ҳам 3 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» беришимиз керак. Эътиборни қуйидаги уч асосий масалага: ҳар бир гектарнинг тўла бўлишини таъминлашга, ғўзанинг ёшлигидан то ҳосили пишгунча ва пахта йиғиб-териб олингунча нормал ривожланиши учун шароит яратишга, пахтачиликда техника тараққиёти юзасидан белгиланган программанинг амалга оширилишига қаратиш зарур.

Пахта далаларида комплекс механизацияни жорий этиш — республика партия ташкилотининг бош йўли. Ўзбекистон меҳнаткашларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу муҳим ишда хотин-қизларнинг роли жуда каттадир. Турсуной Охунова бошлаб берган ҳаракат тобора кенг қулоч ёя берсин! Тобора кўп хотин-қизларимиз машиналарни бошқариш санъатини эгаллай берсин! Пахтани қўлда теришнинг тарафдорлари бўлган кишилар, — деган эди Н. С. Хрущев, — хотин-қизларга бойларча муносабатда бўлишдан ҳали қутилган эмаслар. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш, пахтани машина билан териш учун кураш — хотин-қизларга эскича қарашларни батамом тугатиш учун, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлишга қарши курашдир. Шу сабабдан, хотин-қиз ўртоқлар, механизациялаштиришга кўпроқ эътибор берайлик. Ҳосили машина билан териладиган далаларни ажратиш, пахта териш техникасини ремонт қилиш устидан жамоат назорати ўрнатайлик, техника тараққиётини жорий қилишга тўсқинлик қилаётган кишиларга нисбатан муросасиз бўлайлик.

Колхоз ва совхозларда хотин-қизлар нақадар катта куч эканлиги ҳаммага маълум. Шундай экан, область, район ташкилотларининг баъзи раҳбарлари хотин-қизларни қишлоқ хўжалигидаги раҳбарлик вазифаларига нима сабабдан дадиллик билан кўтармайдилар? Демак, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида гап сотишни яхши кўрадиган лекин хотин-қизларни пастдан юқори кўтариш соҳасида амалий иш билан шуғулланишни истамайдиган кишилар ҳали бизда йўқ эмас экан.

Хотин-қиз колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари орасида ишнинг кўзини биладиган, катта турмуш тажрибаси, кучли иродага эга бўлган истеъдодли ва қобилиятли ташкилотчилар кўп.

Хотин-қизларимиз маориф ва соғлиқни сақлаш, фан ва техника адабиёт ва санъат соҳаларида зўр ғайрат билан самарали меҳнат қилмоқдалар. Республика халқ маорифи системасида 66 мингдан кўпроқ хотин-қиз ишламоқда. Улар болаларни тарбиялаш ва ўқитиш каби олижаноб ишни зўр завқ-шавқ билан адо этмоқдалар. Ўтган йили Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланган Ўзбекистон халқ маорифи ходимлари орасида 346 киши хотин-қизлар эди. Хотин-қизларнинг каттагина отряди олий ўқув юртларимизда илмий-педагогика ишлари олиб бормоқда. Олий ўқув юртларининг илмий-педагогика ходимлари составида хотин-қизлардан қарийб икки минг киши, шу жумладан 23 фан доктори ва профессор 640 фан кандидати ва доцент бор.

Соғлиқни сақлаш ходимлари орасида хотин-қизлар асосий кўпчиликни — қарийб 80 процентни ташкил этади. Врачлар ва медицина ҳамширалари, аёл фельдшер ва санитаркалар меҳнаткашларнинг соғлиғини сергаклик билан қўриқламоқдалар. Хотин-қизлар орасида Зулфия Умидова, Ольга Николаевна Павлова, Ҳадича Сулаймонова, Ольга Денисовна Русанова ва бошқа йирик олимлар етишиб чиқди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида хотин-қизлардан 2779 киши ишламоқда. Улар дунёда энг илғор совет фанининг ривожланишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Кўпгина истеъдодли хотин-қизлар шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт ва санъатимизни ўз ижодлари билан бойитмоқдалар. Шоира Зулфиянинг, санъат арбобларидан — Сора Эшонтўраева, Ҳалима Носирова Мукаррама Турғунбоева, Галина Николаевна Загурская, Тамарахоним, Саодат Қобилова, Галия Измайлова ва бошқа кўпгина ажойиб хотин-қизларимизнинг номлари фақат республикамиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам машҳурдир.

Маданий қурилиш жабҳаси кенгдир. Бутун ана шу жабҳадаги жангчиларнинг биринчи сафларида хотин-қизларимиз бормоқда. Хотин-қизларимиз ўз меҳнатлари билан мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қонунни амалга оширишга бундан буён ҳам ёрдам беришлари, ҳамма мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказишга эришмоқлари, интернат-мактаблар ишларининг яхшиланишига эришмоқлари, оддий типдаги мактабларда куни узайтирилган группаларни тобора кўпроқ ташкил қилишга, аҳолига медицина хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга эришмоқлари лозим.

Партия ва Совет давлатининг энг катта ютуқларидан бири шу бўлдики, улар халқ маорифини, шу жумладан, хотин-қизларни маърифатли қилишни ташкил этдилар. 1959 йилда ўтказилган рўйхат натижалари республикада 3 миллион 92.354 саводли хотин-қиз борлигини кўрсатди. Бизда 43.000 олий маълумотли хотин-қиз бор. 1960-1961 ўқув йилида республика ўрта мактабларида 671.767 қиз, олий ўқув юртларида эса 36.200 хотин-қиз ўқимоқда. Бу — совет ижтимоий ва давлат тузумининг капиталистик тузумга нисбатан сўзсиз афзалликларини кўрсатувчи ёркин далилдир, партиямиз ленинча миллий сиёсатининг тантана қилганлигини кўрсатувчи яққол мисолдир, улуғ рус халқининг Шарқдаги илгари қолоқ бўлган халқларнинг маданиятини юксалтиришда берган катта ёрдамининг натижасидир. Бироқ, биз бу нарсани қайд қилиб ўтар эканмиз, шуни эсдан чиқармаслигимиз кераки, бизда хотин-қизлар ўртасида мактабларда, олий ўқув юртларида ва техникумларда ўқишни тугатмасдан туриб ташлаб кетиш ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди. Биз ҳар бир қизнинг ўқишни ташлаб кетиш ҳолига фавқулодда ҳодиса деб қарашимиз ва ўқишдан қолиб кетишга барҳам бериш учун бутун чораларни кўришимиз керак. Республика олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларидаги раҳбарлик вазифаларига хотин-қизларни тайёрлаш ва кўтариш соҳасидаги ишлар тубдан яхшиланиши керак.

Кейинги йиллар ичида республикамизнинг ёзувчилари, рассомлари ва композиторлари, кинематография ходимлари бир қанча яхши асарлар яратдилар, уларда коммунистик жамият қураётган хотин-қизларимиз асар қаҳрамони қилиб кўрсатилди. Бундай асарлар жумласига Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи, Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести, Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романи, Уйғуннинг «Навбаҳор» пьесаси, бир қанча фильмлар, «Зайнаб ва Омон», «Майсаранинг иши» опералари, «Орзу», «Ойниса» балет спектакллари, «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Баҳор», «Зоя» кантаталари киради. Рассомлардан Абдуллаев, Аҳмедов, Волков, Беньков, Елизаров, Кашина, Ковалевская ва бошқалар Ўзбекистон хотин-қизларининг завқли меҳнатини куйловчи ажойиб расмлар ишладилар.

Бироқ, шуни ҳам айтиш кераки, бизнинг ажойиб хотин-қизларимиз тўғрисида юксак ғояли, мукаммал бадиий асарлар ҳали кам. Хотин-қизлар тўғрисидаги баъзи бир романлар, повестлар, ҳикоялар, пьесалар, сценарийлар аллақачон кўрсатилган турмуш воқеаларини такрор тасвирлайдилар, мавзу жиҳатидан бирбировларига ўхшайдилар. Адабиёт ва санъат арбоблари совет хотин-қизлари жамиятимиз ҳаётида муҳим роль ўйнаётганлигини акс эттирувчи қизиқ-қизиқ асарларни кўпроқ яратишлари керак. Айни вақтда хотин-қизларнинг коммунистик қурилишнинг чароғон йўлидан боришига халақит бераётган, ўтмишга қаттиқ ёпишиб олган ва хотин-қизларга феодалларча қараётган кишиларни аёвсиз фош қилишлари керак.

В. И. Ленин хотин-қизларни «уй чўрилиги»дан бутунлай озод қилишни коммунизмга ўтиш йўлидаги зарур шарт деб ҳисоблаган эди. Совет ҳокимияти йилларида партиямиз бу йўлда жуда катта иш қилди. Кўпдан-кўп болалар яслилари ва боғчалари, умумий ошхоналар, кирхоналар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари қурилди. Сўнгги икки йил ичида республика шаҳар ва қишлоқларида мингдан ортиқ янги умумий овқатланиш корхоналари қурилди. Кулинария маҳсулотлари ва ярим фабрикатлар сотиш учун яна 133 магазин ва магазин бўлимлари, гортиб ўраб қўйилган маҳсулотлар сотадиган 40 магазин ва магазин бўлимлари, маданият ва рўзғор буюмларини ижарага берадиган 142 магазин очилди.

Бизда мактабгача ёшдаги болалар муассасаларининг тармоғи йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳозирги вақтда 2.929 болалар яслиси ва боғчаларида 100 мингдан кўпроқ бола тарбияланмоқда. Бундан ташқари қишлоқ хўжалик ишлари вақтида 160 мингга яқин болани жалб қилинадиган яна 7 минг мавсумий яслилар ташкил қилинмоқда. Очиғини айтиш кераки, булар ҳали камлик қилади.

Бизда ҳали ҳам аҳолининг кўпгина ҳаётий эҳтиёжлари уй хўжалиги ҳисобига қондирилмоқда. Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Маҳаллий саноат бош бошқармаси, Халқ хўжалиги кенгаши, республика Госплани Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг халқ истеъмоли товарлари, уй-рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш, маиший хизматни яхшилаш тўғрисидаги қарорини ҳали ҳам яхши бажараётганлари йўқ. Қурилиш министрлиги болалар яслилари ва боғчалари қуриш планларини йил сайин бажармай, бу ишларга ажратилган катта маблағларни тўла ўзлаштирмай келаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, аҳолининг моддий фаровонлигини янада юксалтириш, турмуш шароитларини янада яхшилаш масалаларига жуда катта аҳамият бермоқда. Барча мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказиш, савдо ва маиший корхоналар, мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, медицина муассасалари тармоқларини кенгайтириш — партиянинг диққат марказида турган ва бундан кейин ҳам турадиган масалалардир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети жамоат маблағлари ҳисобига 1961-1962 йилларда областдаги 96 колхознинг ҳаммасида туғруқхоналари бўлган типовой фельдшерлик-акушерлик пунктлари, болалар боғчалари ва яслилари қуришга қарор қилган Хоразм область қишлоқ меҳнаткашларининг ташаббусини маъқулладилар. Бу олижаноб ташаббус республикадаги кўпчилик районларда қизғин маъқулланди.

Биз КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини янада ривожлантириш ва мактабгача ёшдаги болалар тарбиясини ва уларга медицина хизматини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажара оламиз ва шараф билан бажаришимиз лозим. Чунки бу қарор партия ва ҳукуматнинг болалар тўғрисида, болали хотинларга зарур шароитлар яратиб бериш тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатувчи янги ёркин далилдир.

Улуғ Ленин аёл ишчи эркак ишчи билан фақат қонундагина эмас, балки турмушда ҳам тенг бўлиши керак, деб кўп марта таъкидлади. Бунинг учун, деяр эди у, ишчи аёл жамоат ташкилотларини бошқаришда ва давлатни бошқаришда борган сари кўпроқ қатнашиши керак.

Кейинги вақтда республикада хотин-қизларни партия ва совет аппаратида раҳбарлик ўринларига кўтариш соҳасида анчагина иш қилинди. 1960 йилнинг бир ўзидагина бу ташкилотларда раҳбарлик ўринларига 157 хотин-қиз кўтарилди. 119 қишлоқ район комсомол комитетидан 108 тасида қизлар секретарь қилиб сайланди. Бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари бўлган хотин-қизлар 18 процентдан 24.4 процентга етди. Кўпгина шаҳар ва район марказларида Совет ҳокимиятининг маҳаллий органларида хотин-қизлар бошчилик қилмоқдалар. Бу йил маҳаллий Советларга 31.918 хотин-қиз сайланган, яъни ҳамма депутатларнинг ярмидан кўпи хотин-қизлардир. СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида 146 хотин-қиз бор. Хотин-қизларни касаба союз ташкилотларига кўтариш иши яхшиланди.

Республика партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, хотин-қизлар орасида сиёсий-тарбиявий иш олиб боришга кўпроқ эътибор бера бошладилар. Партия маорифи системасида 96 минг хотин-қиз ўқимоқда, бу 1958 йилдагидан бир ярим баравар кўпдир. 11 мингдан ортиқ хотин-қиз маданият университетларига қатнамоқда. 37 минг хотин-қиз пропагандистлик, лекторлик, агитаторлик қилмоқда.

Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитети аҳоли яшайдиган жойларда сиёсий ишларни кучайтириб, маҳаллаларга актив хотин-қизлардан юзлаб кишини юборди, улар маҳаллаларда катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқдалар.

Бизда хотин-қизлар учун маданият университетлари, ота-оналар университетлари, мактаблар, квартал ва уй комитетлари ҳузуридаги лекторийлар кенг ривож топган. Хотин-қизлар советлари тобора катта аҳамият касб этмоқда. Республикамизда 30 мингга яқин жамоатчи хотин-қизларни бирлаштирган 5.613 та хотин-қизлар совети бор.

Бироқ, хотин-қизлар ўртасидаги пропаганда ва оммавий-сиёсий ишларда кўл камчиликлар бор. Бу ишда хотин-қизларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмайди ва кескин масалалар эътибордан четда қолиб кетади. Яна бунинг устига бу иш, одатда фақат ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этаётган хотин-қизлар ўртасидагина олиб борилади. Уй-рўзғор ишлари билан шуғулланаётган ва ғоявий тарбияга айниқса муҳтож бўлган кўпгина хотин-қизларимиз бизнинг сиёсий таъсиримиздан четда қолмоқдалар.

Биз пропаганда, оммавий-сиёсий ишларни аҳоли ўртасида етарли даражада олиб бормаётганлигимиз сабабли хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлишдек чидаб бўлмайдиган айрим фактлар содир бўлмоқда.

Ўтмишнинг ярамас сарқитларига барҳам бериш бизнинг умумий бурчимиздир.

Хотин-қизлар орасидаги коммунистик тарбия ишлари эркаклар орасидаги тарбиявий ишлар билан маҳкам боғлаб олиб борилиши лозим. В. И. Ленин айтганидек, бу ишларнинг мақсади эркакларнинг хотин-қизларга нисбатан эски, қулдорлик нуқтаи назарини «энг майда томирларигача» қўпориб ташлашдан иборат бўлмоғи керак.

Шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш кераки, динга қарши олиб бораётган ишларимизни умуман ва жумладан хотин-қизлар ўртасида айниқса кучайтиришимиз зарур. Аҳоли ўртасида олиб бораётган бутун идеология ишларимизни яхшилашда бизнинг хотин-қизларимиз ва биринчи навбатда активисткалар катта роль ўйнаши керак. Кўпгина ишларни маҳаллий Советлар депутатларининг. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг жуда кўп аъзолари, кўп сонли маданий-оқартув муассасаларимиз, матбуот, радио ва телевидение амалга ошириши мумкин ва зарур. Хотин-қизлар учун уларнинг профессионал фаолиятини ва машғулот турини ҳисобга олган ҳолда тез-тез ва юксак даражада лекциялар, суҳбатлар ва бошқа тадбирларни ўтказиб туриш керак. Биз хотин-қизларни юксак ғоявийлик руҳида, ҳар қандай камчиликларга, текинхўрлик, кўзбўямачилик, қилинмаган ишни қилинди деб кўрсатиш, давлатни алдаш, ғийбат, мешчанлик каби чидаб бўлмаслик ҳолларга муросасиз бўлиш руҳида тарбиялашимиз керак. Бизнинг пропагандамизнинг асосий вазифаси — кишиларни ижобий намуналар руҳида тарбиялаш, етти йилликнинг машҳур қаҳрамонлари тажрибаси асосида тарбиялаш, кишиларда коммунистик характерни вужудга келтиришдан иборат.

Бизнинг съездимиздан олдин завод, фабрика, колхоз, совхоз, ўқув юртларида хотин-қизларнинг йиғилишлари, шунингдек район ва область хотин-қизлар конференциялари, Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг хотин-қизлар съезди бўлиб ўтди. Буларда олти юз мингга яқин киши қатнашди. Музокараларда қарийб 25 минг киши сўзлади. Булар хотин-қизларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги ошганлигининг, уларнинг жонажон Коммунистик партия атрофида монолит бўлиб жипслашганлигининг ёркин намойиши бўлди. Йиғилиш ва конференция қатнашчилари кўпгина қимматли таклифлар киритдиларки, буларни партия, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик ташкилотлари якунлашлари ва ўрганишлари ҳамда тезлик билан амалга оширишлари керак бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда давлат ва ижтимоий фаолиятнинг барча соҳаларида хотин-қизларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилигига эришилди, бу — Коммунистик партия олиб бораётган доно сиёсатнинг буюк ғалабасидир. Совет хотин-қизларининг ижодий меҳнати натижасида «хотин-қизлар табиатан заиф бўладилар» деган реакцион буржуа назариясининг кули кўкка совурилди. Ҳозирги кунда ҳамма кўриб турибдики, фақат социалистик жамиятгина — дунёдаги энг инсонпарвар ва одил жамият бўлган социалистик жамиятгина хотин-қизларни тўла озод қилади, уларга эркинлик ва тенглик беради.

(Охири учинчи бетда)

*) Доклад қисқартириб босилди.

Ўртоқ З. Р. РАҲИМБОБОЕВА докладининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

асоратдан, ишсизлик ва қашшоқликдан халос қилади хотин-қизларга талантларининг ўсиши ва равнақ топиши учун, ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив иштирок этиш учун чексиз имкониятлар туғдириб беради.

Бу улуғ намуна капиталистик ва мустамлака мамлакатлардаги меҳнаткаш хотин-қизларга уларнинг социал ва миллий зулмдан озод бўлиш учун олиб бораётган курашида янги куч бағишлайди. Хотин-қизларнинг мустамлакачилик асоратига қарши, эксплуатация ва зулмга қарши, ўзларининг ҳаётий ҳуқуқлари учун, эркинлик ва мустақиллик учун, демократия учун, социализм ва тинчлик учун олиб бораётган мардонавор кураши кучаймоқда ва кенгаймоқда.

Турли мамлакатларнинг диний ва сиёсий эътиқоди турлича бўлган вакиллари тез-тез йиғилишиб мунозара қиладилар, улар шу мунозаралар давомида умумий тил топадилар, бир-бирларини тушунадилар. Ўзбекистон хотин-қизлари 1 съездидан кейин ўтган давр ичида бизнинг республикамизга дунёнинг 45 мамлакатидан хотин-қизлар келиб кетди. Республикамизнинг хотин-қизлари ана шу давр ичида кўпгина халқаро хотин-қизлар конгрессларида иштирок этдилар.

Бизни шу нарса қувонтирадики, дунёнинг барча мамлакатларидаги хотин-қизларнинг ижтимоий онги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бизни шу нарса қувонтирадики, мустамлакачилик занжирларини парчалаб ташлаган мамлакатларнинг хотин-қизлари ҳаётига янгилик тобора активроқ кириб бормоқда.

Кимки озодлик ва мустақиллик учун курашаётган бўлса, биз бутун қалбимиз билан улар тарафидамиз — Куба ва Лаос, Жазоир ва Конго ватанпарварлари тарафидамиз. Биз бутун совет халқи билан бирга: «Кубадан қўлингни торт!», «Империалистик агрессияларга хотима берилсин!», «Дунёнинг барча кишиларига тинчлик!» деймиз.

Ўртоқлар! Буюк мақсад нури ёритиб турган яратувчилик, ижодкорлик майдонига чиққан совет хотин-қизларининг бахт-саодати улуғ ва чексиздир.

Биз шунинг учун бахтлимизки, бутун инсониятга порлоқ келажак сари — коммунизм сари йўл очиб бераётган мамлакатда яшамоқдамиз. Биз шунинг учун бахтлимизки, ана шу тарихий процессда актив иштирок қилмоқдамиз. Биз шунинг учун бахтлимизки, бизнинг тўғри йўл кўрсатувчи компасимиз, яъни ҳамиша ғолиб марксизм-ленинизм таълимотимиз бор.

Биз шунинг учун бахтлимизки, мамлакатимизда ленинча халқлар дўстлиги ва қардошлиги идеяси тантана қилди, Совет Иттифоқининг барча халқлари улуғ рус халқи бошчилигида бир мақсад сари якдиллик билан олға бормоқда, бу халқлар буюк Ленин кўрсатган йўлдан дадил қадам ташлаб бораётган бир бутун оиладир. Бу ажойиб дўстлик мамлакатимиздаги барча халқларнинг экономика ва маданиятни ривожлантиришда, кишиларнинг моддий фаровонлигини оширишда бир-бирига ёрдам кўрсатишида, жонажон социалистик Ватан учун биргалашиб меҳнат қилишида ўз ифодасини топмоқда. Иттифоқдош республикаларнинг бир-бирига делегациялар юбориб туриши, социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан ўзаро текширишлар ўтказиб турилиши, бир-бирларининг съездлари, конференциялари ва кенгашларида қатнашиб туришлари одат бўлиб қолди. Бугун ҳам бизнинг съездимизда қадрдон меҳмонлар — Қозоғистон, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон қардош республикалари хотин-қизларининг вакиллари иштирок этмоқдалар.

Биз бундан кейин ҳам ана шу бузилмас дўстликни мустаҳкамлай берамиз, барча кадрларимизни, бутун меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида, экономика ва маданиятимизни ривожлантиришда бизга бебаҳо ёрдам кўрсатган улуғ рус халқига муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаймиз.

Шонли Коммунистик партия, унинг Лениннинг содиқ шогирди, талантли ташкилотчи, партия ва Совет давлатининг, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг машҳур арбоби Никита Сергеевич Хрущев бошлиқ Марказий Комитети бизни ғалабадан ғалабага бошлаб бормоқда.

Ўз жонажон партияси ва унинг Ленинчи Марказий Комитети атрофида маҳкам жипслашган, доимий ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиб келаётган партиядан миннатдор бўлган Ўзбекистон хотин-қизлари барча Совет хотин-қизлари билан бирга КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун, етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ва бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини жадаллаштириш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

Совет хотин-қизларига — коммунизмнинг актив қурувчиларига, тинчлик учун оташин курашчиларга шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин бутун инсоният учун муваффақият билан коммунизм йўлини очиб бераётган қудратли Совет Ватанимиз!

Яшасин бизнинг шонли Коммунистик партиямиз, совет халқи эришган оламшумул-тарихий ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси буюк Ленин партияси!

(Қарсаклар).

Ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Бир вақтнинг ўзида бир неча операцияни бажариб (юмшатиш, ўғит солиш, эгат очиш, зараркунандаларга қарши кураш) машиналарнинг унумли ишлашини, ҳамда иш сифати яхши бўлишини таъминлаётган энг яхши тракторчилар мунтазам равишда рағбатлантириб борилсин. Амалда кўрсатиш йўли билан илғорларнинг иш тажрибаси кенг оммалаштирилсин. Район тажриба намуна хўжаликлари агротехника талабларининг бузилишига ва сохталаштирилишига йўл қўймай, илғор механизаторларнинг тажрибасини бошқа бригадаларга ва хўжаликларга жорий этишни таъминласинлар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан чопиқ тракторларининг ишини шундай ташкил қилишни талаб қиладиларки, токи ҳар бир суғорилган участка ўз вақтида, тупроқ етилиши билан юмшатиладиган бўлсин. Экинлар суғорилгандан сўнг қатор ораларини ишлаш тупроқда нам сақлашнинг тўғри воситаси сифатида дарёларда сув кам бўлган бу йилги шароитда жуда катта аҳамиятга эгадир. Зарур бўлган тақдирда от культивацияларидан ҳам фойдаланиб ғўза қатор ораларини табақалаб ишлашни кенг қўлланиш лозим;

Ғўзани яганалаш ва парвариш қилишга колхоз ва совхозлардаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг мумкин қадар кўпроқ қисми жалб қилинсин. Далада ишлаётганлар учун яхши маданий ва маиший шароит яратилсин, аҳоли орасида оммавий-агитация ва тушунтириш ишлари кучайтирилсин. Иш шароитига қараб, тўғри норма белгилансин ва меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўлаб турилсин. Умумий овқатланиш ташкил қилинсин, болалар муассасаларининг иши яхшилансин, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ишни сифатли қилиб бажарганлари ҳолда белгиланган нормани тўла ва ошириб бажаришлари учун барча шароит яратиб берилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети вегитация даврида минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш мўл ҳосил етиштирилишини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлигини ҳисобга олиб ва бу ишга катта эътибор бериб, қишлоқ хўжалик органлари ҳамда колхоз ва совхозларнинг мутахассислари зиммасига қисқа вакт ичида ҳар бир участка бўйича экинга ўғит солиш планини тузиб чиқиш, бунда экинга неча марта ўғит солинишини, ўғитларнинг турини ва олдин солинган ўғитни ҳамда вегитация даврида солиш учун қолдирилганини ҳисобга олиб, ҳарбир озиқлантиришда қанчадан ўғит сарфлашни кўрсатиш вазифаси юкланди. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва совхозлар Бош бошқармасига ўғитдан самарали фойдаланишга эришиш, ерга солинган ҳар бир килограмм азот, фосфор, калий ҳосилни оширишга фойда бериши учун ҳамда экиннинг азот билан кеч озиқлантирилишига йўл қўймаслик, бу ишнинг 5 июлдан кечиктирилмай тугалланиши учун ўғитдан фойдаланишга малакали раҳбарлик қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Дарё ва каналларда сувнинг озлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Сув хўжалиги министрлиги ва Қишлоқ хўжалик министрлигига, совхозлар Бош бошқармасига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига суғориш учун берилаётган ҳар бир кубометр сувдан тўғри фойдаланиш учун барча чораларни кўришни топширдилар. Шу мақсадда:

мавжуд сув ресурсларидан тўла фойдаланиш ва қўшимча сув ресурсларини қидириб топиш учун барча чораларни кўришлари, белгиланган сув режимига ва тупроқда намни сақлаш чораларига қатъий риоя қилишлари керак;

ҳамма жойда сувдан фойдаланиш планли равишда олиб борилмоғи лозим. Тупроқдаги намнинг даражаси ва экиннинг аҳволига қараб биринчи ва ундан кейинги суғоришни қатъий табақалаштириб ўтказиш зарур. шунингдек тормоқлардаги сув миқдори ҳисобга олиниши, экиннинг чанқаб қолишига ҳамда ортиқча суғорилишига йўл қўймаслик лозим;

ҳар бир колхоз ва совхозда экинни кундузи ва кечаси суғориш учун етарли миқдорда сувчилар ажратиш, уларга пухта йўл-йўриқ кўрсатиш лозим.

сувдан яхши фойдаланиш ва суғорилгандан сўнг экинни механизмлар ёрдамида парвариш қилишга шароит яратиш учун йирик участкаларни бирйўла ҳамма ўқ ариқлар орқали суғориш ташкил қилинсин. Йирик карталарни бўлиб-бўлиб суғориш ҳамда бостириб суғоришга чек қўйилсин;

суғориш устидан, айниқса тунги суғориш устидан қаттиқ назорат ўрнатилсин, бутун пайкалнинг етарли чуқурликда бир текис намланиши таъминлансин, энг яхши сувчилар мунтазам равишда рағбатлантирилсин. Республика қишлоқ хўжалик министрлигига, совхозлар бош бошқармасига уста сувчиларнинг тажрибасини ўрганиш ва кенг ёйиш таклиф қилинди;

эгатларга сувни жилдиратиб оқизиш учун ҳамда экинни тунда суғориш учун сувчилар зарур материаллар ва жиҳозлар билан, фонарь билан таъминланиши лозим. Тунда суғориладиган участкалар кундузи тайёрлаб қўйилсин.

Республика сув хўжалиги министрлигига, Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги совхозлар бош бошқармасига турли табиий зоналарда ғўзани суғоришни механизациялаш воситаларини ўрганишни бу йил ҳам давом эттириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик министрлиги, совхозлар бош бошқармаси, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш область станциялари ва колхоз, совхозларнинг раҳбарлари зиммасига ғўза зараркунандаларига қарши профилактик чораларни ўз вақтида амалга ошириш вазифасини қўйди. Экинларнинг қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан зарарланганлиги тўғрисидаги ҳар бир аҳволга хўжасизлик деб қаралсин ва айбдорлар қаттиқ жазолансин.

Республика Қишлоқ хўжалик министрлигига, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига Область қишлоқ хўжалик тажриба станциялари ва район тажриба намуна хўжаликлари тузишни яқин кунларда тугаллаш ҳамда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларнинг барча хўжаликларда қўлланилишини таъминлаш топширилди. Ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда далада малакали агротехника раҳбарлиги бўлиши талаб этилади. Область қишлоқ хўжалик тажриба станциялари ва район тажриба намуна хўжаликларининг барча мутахассислари бевосита колхоз ва совхозларнинг далаларида амалий ёрдам кўрсатишга жалб қилиниши лозим.

Область ва район партия ҳамда совет ташкилотларига май ойининг иккинчи ярмида социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини областлараро ва районлараро ўзаро текшириб чиқиш тавсия қилинди.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, совхозлар Бош бошқармаси, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, КПСС XXII съезди шарафига мўл пахта ҳосили етиштириш ва давлатга пахта топшириш планини съезд очиладиган кунгача бажариш мажбуриятини олган колхозларнинг, совхозларнинг, бригада ва звеноларнинг, шунингдек колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ташаббусини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенг ёйиш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарларини, мутахассисларни ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини камчиликларни тугатиш учун амалий чоралар кўришга, давлатга 3 миллион 200 минг тонна пахта етиштириб бериш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилиши ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақанинг бориши устидан доимий жамоат назорати ўрнатилишини таъминлашга чақирдилар.

ВАТАНПАРВАР СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ—ОЛДИНГИ МАРРАЛАРДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Съезднинг Мандат ва редакцион комиссиялари, шунингдек секретариати сайланади. Съезднинг кун ҳамда иш тартиблари тасдиқланади.

КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун курашда Ўзбекистон хотин-қизларининг иштироки тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **З. Р. Раҳимбобоевага** сўз берилади. (Ўртоқ Раҳимбобоева докладининг қисқартирилган стенограммаси газетада босилади).

Доклад тамом бўлгандан кейин раислик қилувчи — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова съезд номига жуда кўп табрик телеграммалари, шу жумладан «Советская женщина» ва «Работница» журналлари редакцияларидан табрикномалар келганлигини маълум қилади.

Музокаралар бошланади. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари **Р. Ш. Қалбоева** биринчи бўлиб сўз олади. **Хотин-қизларимиз ҳар қандай вазифани бажаришга қодирдирлар. Улар ҳар бир ишда ўз куч-ғайратларини, ўз истеъдодларини, ўз билимларини намойиш қилиб келмоқдалар,—деди нотиқ.**

Октябрь Революцияси туфайли асрий қулликдан халос бўлган Қорақалпоғистон хотин-қизлари коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлиб қолдилар. Автоном республиканинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда хотин-қизлар айниқса катта роль ўйнамоқдалар. СССР Олий Советининг депутати Ойим Камоловадан ўрнак олиб, неча юзлаб ватанпарвар хотин-қизлар янги техникани муваффақиятли эгаллаганлари ҳолда пахтачиликни комплекс механизациялаштириш учун бошланган курашнинг авангардида бормоқдалар.

Шу йилнинг ўзидаёқ қиз-жувонлардан 632 тракторчи тайёрланди. Уларнинг ҳаммаси колхоз ва совхоз далаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Пахта териш машиналари ҳайдовчилари курсида 84 қиз-жувон ўқимоқда. Кўпгина хотин-қизлар чорвачилик фермаларида пиллачилик бригадаларида ва хўжаликнинг бошқа тармоқларида фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Қорақалпоғистон партия ташкилоти хотин-қизларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишларини яхшилаш соҳасида кейинги вақтларда бир қанча тадбирларни амалга оширди. Бироқ сиёсий тарбиявий ишларнинг савияси бугунги куннинг тобора ўсиб бораётган вазифаларига ҳали тўла жавоб бераётгани йўқ. Хотин-қизлардан малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида жиддий камчиликлар бор. Айрим жойларда хотин-қизларнинг иззат-ҳурматини таҳқир этувчи, ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ишларда актив иштирок этишда, ўз билимларини оширишда уларга халақит берувчи шахсларга нисбатан либерал муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришга хотин-қизларни кўпроқ жалб этиш керак дейди нотиқ. Қорақалпоғистон пойтахтида механизациялаштирилган тикувчилик фабрикаси қуриш, бу ерда тўқимачилик фабрикаси барпо этиш масаласини ҳал қилиш пайти келди.

Ҳозирги вақтда Хўжайлида гилам цехи қуриб битказилмоқда. Бу цех қурилгандан кейин корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш 2 — 2,5 баравар кўпаяди. Лекин республика госплани ва Ўзбекистон маҳаллий саноат бош бошқармаси етарли миқдорда гиламбоп калавалар ажратмаётир, бунинг натижасида станоклар бекор туриб қолмоқда. Республика министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу масалани кўриб чиқишлари керак бўлади.

Саноат корхоналарида, қурилишларда, колхоз ва совхоз далаларида улуғ етти йиллик машъаллари тобора порлаб нур сочмоқда. Уларнинг тажрибалари ғоят кенг даражада оммалаштирилиши керак. Қорақалпоғистон хотин-қизлари ишлаб чиқаришнинг илғор новаторларини, Ўзбекистон областларидаги ва қардош республикалардаги ўзларининг донгдор ҳамшираларини Қорақалпоғистонга келиб туришларини истайдилар. Азиз дугоналар, ўз тажриба ва билимларингизни ўртоқлашиш учун бизнинг республикамизга келингиз сизлар ҳамиша бизнинг қадрли меҳмонларимиз бўласизлар. Келингиз, биргаликда ўқиб ўрганайлик, иш тажрибаларимизни ўртоқлашайлик.

Биз — хотин-қизлар ҳақида оталарча ғамхўрлик қилаётганликлари учун, бизни коммунизм сари дадил бошлаб бораётганликлари учун Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор этмоқ учун сўз тополмайсан киши, дейди нотиқ ўз нутқининг охирида. Биз хотин-қизлар ўз фидокорона меҳнатимиз билан партияга ташаккур билдириб партиямизнинг XXII съездини мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда янги зафарларни қўлга киритиш билан кутиб оламиз.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш — Ўзбекистон хотин-қизларининг жонажон ишларидир. Улар бу ишни охирига қадар етказишлари керак. Мамлакатимизнинг донгдор механизатори, Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Турсуной Охунова** съезд минбарида туриб шу сўзларни айтади.

Мен оддий ўзбек қизиман, дейди у. Менинг номим неча минглаб бошқа оддий меҳнаткаш аёлларнинг номлари билан биргаликда мамлакатимизда ҳурмат билан тилга олинаётган экан, бу эса, даставвал партиянинг халқ ҳақидаги оталарча буюк ғамхўрлигининг натижасидир. Партия биз, хотин-қизлар олдида ҳаётга ёруғ йўл очиб берди, эркаклар билан тенг ҳуқуқда бўлиб, фидокорона меҳнатимиз билан Ватанимиз шон-шуҳратини оширишимиз учун, ажойиб келажак учун, коммунизм учун курашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз учун бизга ҳамма зарур шароитни яратиб берди.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг шу залда айтган ва барча совет пахтакорларига қаратилган илҳомбахш сўзлари ҳаммамизнинг эсимизда. Н. С. Хрушчев бизни пахтачиликда янги техникани мумкин қадар кенгроқ жорий қилишга, пахта териш машиналарининг ролларини ўз қўлимизга олишга даъват этган эди. Ўзбекистон хотин-қизлари партиянинг жанговар чақириғига якдиллик билан жавоб берганлигини шу съездда тилга олмоқ қувончлидир.

Машина — пахтакорнинг қанотидир. Машина бизнинг келажак сари қилаётган шиддаткор парвозимизда тағин ҳам юксакроқ кўтарилиш, пахта етиштиришдаги ишларнинг кўпгина турларида жисмоний меҳнатга хотима бериш имконини берди. Ажойиб маслаҳатлари учун, совет пахтачилиги меҳнаткашларига жуда катта ёрдам берганлиги учун қадрдонимиз Никита Сергеевичга ҳаммамиз чин қалбимиздан ташаккур айтамиз.

Бригадамиз далаларида қудратли техникадан қандай муваффақиятли фойдаланаётганлиги ҳақида гапирмоқчиман. Биз ўз бригадамизни фахр билан комплекс механизациялаштирилган бригада деб атаймиз. Шу кўкламда бригадага бириктилган 95 гектар ернинг ҳаммасига чигитни нуқул квадрат — уялаб экдик. Бу эса ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов бериш ва энг кам меҳнат сарфлаб мўл ҳосил етиштириш имконини беради.

Биз ғўзанинг биринчи парваришини аллақачон тамомладик, бир бор озиқлантирдик ва суғордик ҳам. Биз дала ишларини шундай суръатларда олиб бораяпмизки, бу сарҳат ҳар гектар ердан эллик центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан ўз зиммамизга олган юксак мажбуриятимизни бажариш имконини беради. Биз Коммунистик партиянинг тарихий XXII съезди очиладиган кунгача ана шу ҳақда рапорт бериш ниятидамиз. Менинг ўзим пахта териш машинасида 350 тонна пахта териб беришга сўз бераман.

Қадрдон дугоналар, келингиз ҳаммамиз биргаликда ишлаб съездга энг яхши, энг муносиб туҳфалар ҳозирлайлик. Механизатор қиз-жувонларнинг сафлари хотин-қиз бригада бошлиқларининг сафлари кўпаяверсин! Ҳар бир хўжаликда хотин-қизлар кенгашлари ана шу масъулиятли вазифага мумкин қадар кўпроқ қиз-жувонларни жалб этиш ҳақида ғамхўрлик қилаверсинлар!

Баъзан ҳаётимизда учраб турадиган — хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш сингари шармандали ҳоллар ҳақида бир икки оғиз гапирмоқчиман. Бу нарса съездда жуда қаттиқ танқид қилинаяпти. Қадрдон опа-сингиллар! Бундай шармандали ҳолларга абадий хотима бермоқ учун бизларнинг ўзимиз ҳам кўпгина ишларни қила оламиз. Масалан, мен далада эрим — ўртоғим билан бирга ишлайман. Бизнинг биримизга ўзаро ҳурматимиз ва ишончимиз худди ана шу тенг ҳуқуқли меҳнат асосида туғилди. Ҳамма аёллар ҳам ўз эрлари билан биргаликда умумий бир мақсад билан яшашга эришсинлар, ана шунда феодал сарқитлардан асар ҳам қолмайди.

Совет хотин-қизлари — жамиятимизнинг давлат, сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида катта кучдир. — дейди ўз нутқида Тошкентдаги транспорт машинасозлиги заводининг директори Н. С. Навоченко. — Актив хотин-қизлар сони тобора кўпаймоқда. Агарда уй-рўзғор ишларидаги хотин-қизларнинг меҳнати тағин ҳам кўпроқ енгиллаштирилса, болаларни тарбиялашда уларга тағин ҳам яхшироқ ёрдам берилса, актив хотин-қизлар сони яна ҳам кўпайиши мумкин.

Нотиқ „хотин-қизларни раҳбарлик ишларига кўтаришда ҳали ҳам сусткашликка йўл қўйилаётганлиги ҳақида гапиради. Баъзан бу масалада ҳеч қандай асоссиз равишда чўчиш ҳоллари рўй бермоқда. Баъзан эса раҳбарлик ишларига боришга хотин-қизларнинг ўзлари розилик бермаётирлар, чунки баъзи корхоналар бир мейёрда ишламаганлари ҳолда ишлари нормалаштирилмаган ходимлар кундузи иш вақтидан ташқари ҳам корхонада ушланиб қолмоқдалар. Ишлаб чиқаришда юксак маданият учун курашни кенгайтириш керак. Хотин-қизларга зарур ёрдам бериб туриш керак. Хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳақида ғамхўрлик қилиш — болалар муассасалари сонини кенгайтириш, бу муассасаларнинг ишларини такомиллаштириш демакдир. Соғлиқни сақлаш ва маориф министрликлари болалар муассасаларини кенгайтириш ҳақидагина эмас, балки болалар боқчалари ва болалар яслиларда тарбияланаётган болаларга медицина хизматини яхшилаш ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари керак.

Тошкентнинг бизнинг корхонамиз жойлашган шимолий саноат зонасида хотин-қизларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган эмас. Бу ерда ҳаммом, кино, кутубхоналар етишмайди. Шаҳар ижроия комитети бу аҳволни тузатиш ҳақида ваъда бераётир. Лекин бу ваъдани амалий ишлар билан мустаҳкамлаш керак.

16 май кечқурун съездда доклад юзасидан музокаралар давом этди. (ЎзТАГ).

Марҳабо, азизалар!

(ҚАСИДА)

Қучоқ-қучоқ гул билан, баҳор айёми билан,
Кўзларимиз йўлларда, ўзбек саломи билан,
Юрагимиз ҳафриқар қайноқ илҳоми билан,
Халқим қўли кўксида, қутлар каломи билан:
Гулистон шаҳримизга, азизалар, марҳабо!
Қалби гўзал, лабзи бол, пок сийналар, марҳабо!
Эл бахтин ҳисоб айлаб Ўзбекистон қизлари,
Юзларин офтоб айлаб кечаю, кундузлари,
Ватанга жавоб айлаб, қиш, баҳор, ёз, кузлари,
Зафарга хитоб айлаб озод Шарқ юлдузлари,
Жоним фидо айлаган, сиз машъаллар, марҳабо!
Ҳур ҳаётга берасиз нур-сайқаллар, марҳабо!
Нола-ҳасрат бегона, иззатингиз баланддир,
Ниятингиз: омонлик, хизматингиз баланддир,
Боғбон каби ҳамиша ҳимматингиз баланддир,
Юртимизга шон қўшган қимматингиз баланддир,
Бахтимиз ардоқлаган меҳрибонлар, марҳабо!
Нури дийдаларимиз, чароғбонлар, марҳабо!
Сиз Тошкентга келдингиз баҳор этиб, ёз этиб,
Гулзорларда кезинглар қаддингизни ғоз этиб,
Ишни қойил қиласиз, аммо сўзни оз этиб,
Ингитларни, жон қизлар, куйдирманглар ноз этиб,
Гул-лолалар поёндоз, қурултойга марҳабо!
Марҳаматой, Жамила, Турсунойга марҳабо!

Қўлингизни гул дерлар, эзгудир хаёлингиз,
Эй сочлари узунлар, ўткурдир саволингиз,
Фан боғини яшнатур ақлингиз-камолингиз,
Ўзбекистон сингари гулгундир иқболингиз,
Номи олтин китобга мунавварлар, марҳабо!
Нурхонларнинг бахтига муяссарлар, марҳабо!
Чигитлар гавҳар бўлар сиз кўрсатиб, жасорат,
Барглар ипак бўлади сиз кўрсатиб каромат,
Читлар дарёдек оқар сиз кўрсатиб матонат,
Шифокор қиз-жувонлар, сиз ҳам бўлинг саломат.
Жонни нисор айлаган ишсеварлар, марҳабо!
Фабрикага нур қўшган сиз чеварлар, марҳабо!
Озод совет Шарқида инсон билмас фарқини,
Ўзин сезар қуёшнинг парчасидек халқининг,
Аёл — ҳаёт кўрки-ю, муҳаббатнинг ёлқини,
Баҳор, гўзаллик демак аёл сўзин талқини...
Вафодор ва ижодкор қаҳрамонлар, марҳабо!
Ҳаётдек гўзал қизлар, онахонлар, марҳабо!
Минбарга чиқиб сўзланг, айтар сўзингиз яхши,
Орзу уфқига сизнинг боққан кўзингиз яхши,
Сийнада олтин юлдуз, ёруғ юзингиз яхши,
Ватанимиз шавкати, фахри — ўзингиз яхши.
Илм, меҳнат, санъатда бебаҳолар ассалом!
Меҳри муҳаббатлари — Сирдарёлар, ассалом!

Ёнғин МИРЗА.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ҲАҚИДА 16 МАЙГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)


Районлар	Ҳаммаси	Бир кунлик ўсиш
Оржоникидзе	22,0	7,7
Калинин	19,1	3,1
Бекобод	19,1	8,4
Оққўрғон	14,3	10,3
Сирдарё	13,4	5,0
Янгиер	7,4	5,0
Чиноз	7,3	4,1
Ўрта Чирчиқ	4,1	2,5
Қуйи Чирчиқ	3,8	2,0
Гулистон	2,8	1,5
Пискент	2,4	1,3
Янгийўл	2,3	1,3
Юқори Чирчиқ	1,3	1,1
Бўка	0,5	0,5
Бўстонлиқ	—	—
Оҳангарон	—	—

ЮЗАКИЧИЛИК

«XIX партсъезд» колхоз правлениеси ғўза парвариши ҳақида график тузган. Графикка мувофиқ 1185 гектар ердаги ғўза май ойида икки марта культивация қилиниши, бир марта суғорилиши, бир марта озиқлантирилиши ва 20 майгача ғўза яганаси тамомланиши лозим. Агар ҳозир колхоздаги ишлар шу графикнинг бажарилишига қаратиб тўғри уюштирилганда эди, олам гулистон бўларди. Афсуски, аҳвол шундай эмас.

Бўка районидаги бу колхозда аввало чигит тўла ундириб олинмаган. Масалан, Султон Арслонов бошлиқ бригадада 20 гектар, Тўхта Самандаров бошлиқ бригадада 15 гектар, Шозод Алимов бошлиқ бригадада 40 гектар ердаги ғўза ҳалигача бир текис униб чиқмаган. Ерлар қотиб, кўп жойларни ўт босиб кетган. Бу ерлар қайта ҳайдалиб чигит экилиши лозим. Аммо бу тадбир кечиктирилмоқда.

Колхоз агрономи ўртоқ Абдужалил Холиқов, ғўза яганасини 20 майгача тамомлаймиз, дейди. Лекин агрономнинг бу гапига сира ишониб бўлмайди. Масалан, 800 гектар ердаги ғўза кўндалангига қирқилиб, икки томонлама ишлашга мослаштирилиши лозим. Шундан энди 262 гектар ердаги ғўза кўндалангига қирқилган. Ғўзани кўндалангига қирқмайтуриб ягана ҳам қилиб бўлмайди. Шундай қилиб, бу колхозда трактор билан ғўза кўндалангига қирқилмагани учун ғўзани ягана қилишга шароит яратилмаган.



ҒУМАЙ: — бемалал чиқавер, дўстим, бу киши ўзимизнинг ўтган йилги боқи-беғам бригадирларимиздан...

А. Холиқов чизган расм.

Аввало бу колхозда мавжуд техника тўла ишга туширилмади. Ишга туширилган тракторлар эса тўла қувват билан ишламаётир. 22 та чопиқ тракторидан фақат 17 тасигина наридан-бери ишлаб турибди. Қолган бешта тракторга эса ҳали культиватор осилмаган, улар гаражда турибди. Ишлаб турган 17 трактор билан кунига аранг 55 гектар ердаги ғўза культивация қилинаётир. Ҳар бир трактор билан ўрта ҳисобда 7 — 8 гектар ўрнига бу колхозда бор-йўғи 3 — 3,5 гектар ердаги ғўза культивация қилинаётир. Тракторларнинг меҳнат унуми ҳаддан ташқари паст. Колхозда Собир Омонбоев, Турғун Ботиров, Эргаш Худойқулов каби астойдил ишлаётган моҳир механизаторлар бор. Лекин айрим механизаторлар шулар сингари ишламаётирлар. 9-бригаданинг тракторчиси Абдураим Жалилов окучникни қийшайтириб ва чуқур солиб ишлатган. Натижада ёш ғўзаларни тупроққа кўмиб юборган. Тўртинчи бригада тракторчиси Фарҳод Ҳайдаров, 6-бригада тракторчиси Мавлон Каримов ўртоқларнинг трактори ярим кун ишласа, ярим кун бекор туради. Чунки бу тракторлар сифатли ремонт қилинмаган. Шу туфайли бир кунда 120 гектар ўрнига 55 гектар ердаги ғўза культивация қилинаётир.

Колхозда ғўзани культивация қилиш ҳам, ягана қилиш ҳам, суғориш ҳам, ўғитлаш ҳам кечиктириб юборилаётир. Колхоз правлениеси томонидан тузилган график эса қоғозда қолаётир. Бунга мавжуд ишчи кучлари дала ишларига тўла сафарбар этилмагани, ишлаб турган кишиларнинг кунлик нормани тўла бажармасликлари ҳам сабаб бўлаётир. Колхозда 782 кишидан талайгина қисми ёрдамчи ишлар билан банд. Масалан, колхоз сводкасида 50 киши идорада, 154 киши бошқа ишларда деб кўрсатилган. Мана шу 154 киши қандай ишлар билан банд эканлигини колхоз правлениесидагилар аниқ айтиб бераолмадилар.

Қўшни Охунбобоев номли колхоздаги ишларни ҳам мақтаб бўлмайди. Бу ерда ҳам мавжуд техникадан ва ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаётир. Колхозда 36 та чопиқ тракторидан гоҳ кунлари 23 таси ишлайди, холос.

Бу хўжаликда ғўзасини ўт босган бригадалар кўп. Ильич номли колхозга туташган ўртоқ Чўян Жумаев бошлиқ бригаданинг 18 гектар ғўзаси ўт ичида кўринмай кетган. Ўртоқ Парда Умарқулов бригадасида ғўза ўз вақтида культивация қилинмагани учун 9 гектар ердаги ғўзани ёввойи ўт қоплаб олган. Биз колхоз раиси ўртоқ Йўлдош Хожиматов билан 9-бригаданинг еридан ўтиб бораётган эдик. Бу ерни қайта экиш учун ҳайдаб қўйилган экан. Лекин ернинг ўртасида озгина ер ҳали ҳайдалмаган эди. Раис гап бошлади:

— Мана шу ерни дўл урди, қайта экмоқчимиз.

— Бу ерни дўл урмаса ҳам қайта экиш керак экан, қамиш билан ўтни қаранг, тиззага етади, — дедик.

— Қамишнинг ғўзага зиёни йўқ.—деди раис эътироз билдириб.

Хуллас, бу колхозда ҳам тракторлар, ишчи кучлари тўла қувват билан ишлаётгани йўқ.

Бу аҳвол билан узоққа бориб бўлмаслиги ҳаммага аён. Отни қамчилаш керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Михаил Ботвинниктинг бешинчи тожи

Гроссмейстер Михаил Ботвинник бешинчи марта шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. 15 майда Москва эстрада театрида реванш матчини ёпиш маросими бўлди.

Тантанали йиғилишни СССР Спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи Марказий Совети раисининг ўринбосари Д. В. Постников очди.

Реванш матчининг бош арбитри швециялик гроссмейстер Гидеон Штальберг икки совет гроссмейстерининг жаҳон биринчилиги учун олиб борган ижодий курашига якун ясади.

— Ботвинниктинг ғалабаси тамомила муносиб ва аъло ғалабадир, — деди у. — Ботвинник жаҳоннинг энг кучли шахматчилари жумласидан эканлигини яна бир марта исботлади.

Халқаро шахмат федерациясининг вице-президенти Хельги Хиндстрем залдагиларнинг қарсаклари остида Штальберг билан бирга ғалаба тожини Михаил Ботвинникка киядиради ва Халқаро шахмат федерацияси номидан унга жаҳон чемпиони деб эълон қилади. Ботвинникка олтин медаль ҳам топширилди.

Залдагилар томонидан самимий кутиб олинган Михаил Ботвинник ўзини қутлаган ҳаммага ташаккур изҳор қилди. (ТАСС).

Жамоатчи матбуот тарқатувчилар— кино экранида

Аҳоли ўртасида газета ва журналларни тарқатиш ишида жамоат вакилларининг роли катта. Обуна кампанияси давридаги уларнинг иш тажрибалари ва шу соҳадаги ютуқларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги махсус адабий киножурнал тайёрлади.

Киножурналда 1961 йилги обуна ишларини муваффақиятли ўтказган актив жамоат вакилларидан Қуйи Чирчиқ районидаги Дмитров номли колхоз аъзоси Шин Денис, Янгийўл районидаги 13-мактабнинг илмий бўлим мудири А. Вайнер, Чирчиқ кимё комбинатининг техник учётчиги Туревская, Оҳангарондаги 9-кўмир кони ишчиси В. Гононохин ўртоқларнинг иш тажрибаси билан танишиш мумкин.

Э. ҲАМИДОВ.

„Зарафшон қизи"

Муқимий номли ўзбек драма ва комедия театрининг ижодий коллективи кейинги вақтларда замонавий темалардаги бир неча драматик асарларни саҳналаштириб, томошабинларни ҳурсанд қилмоқда. Яқинда театр ёш драматург Д. Файзийнинг «Зарафшон қизи» номли асарини тайёрлаб, саҳнага қўйди.

Ҳалқимизнинг миллий бойлиги бўлган «оқ олтин»ни механизация ёрдамида парваришлаб, машиналар билан йиғиб-териб олишга тўсқинлик қилувчи консерватив шахслар билан янгилик учун курашувчи илғор кишилар ўртасидаги кураш асарнинг асосий конфликтини ташкил этади. «Зарафшон қизи» драмасида ЎзССР халқ артисти С. Ҳўжаев, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ф. Рахматова, А. Абдураҳмонов ҳамда С. Шўлатов, Р. Тўраева ва бошқа ўртоқлар қатнашади.

О. САЙДАМИНОВ.



ГУЛЛАР ОЧИЛГАНДА. А. Абалян фотоэтюди.

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Гуллар! Мунчалар гўзал, оромбахш, латиф ва нозик экан табиатнинг бу нозиқ ниҳоллари. Уларга ҳавас, муҳаббат қўймаган, хушбўй атри, чиройига ишқибоз бўлмаган одам борми дунёда! Гулга бўлган ихлосимиз шу қадар баландки, неча-неча дилбар қизларнинг номини гуллар билан атаймиз. Узоқдан келган энг яқин дўст ёки энг қадрли меҳмоннинг кўнглини ҳушнуд қилиш учун гулдаста ҳадя этамиз... ўзига умр йўлдош танлаган навқирон йигит ҳам маҳбубасига севги рамзи сифатида биринчи марта гул тақдим этади.

Пойтахтимиз кўчалари, майдонларига файз берган, гўзал шаҳримиз жамолини янада сўлим қилган ҳам мана шу гуллар, гулзорлар. Ҳозир улар айни очилган, атрлари ҳарён сочилган, ғоят дилрабо ва ёқимли бўлган бир чоғки, улар атрофида юрган сари юргинг келиб, жамолига сира тўймайсан. Шу сабабли гулларга бурканган Театр майдони, Революция сквери, Тельман номли, Сталин номли парклар, Гоголь ва Пушкин кўчалари ҳарқачонгидан ҳам файзли, одамларнинг баҳри-дилини очадиган оромбахш жойлар бўлиб қолди.

Тошкент гулларининг ўзгача гашти бор. Бу гуллар Иттифоқимизда энг олдин чирой очади ва жуда кеч кузгача уларнинг анвойи саси димоғлардан кетмайди. Жаҳонда биринчи космонавт Юрий Гагариннинг қўлига ҳам бундан бир ой муқаддам қийғос очилган мана шу Тошкент гуллари тутқизилди.

Шаҳримизда гулларнинг йилдан-йилга кўпаяётганлиги қувонарли ҳолдир. Шу йил баҳорнинг ўзида сквер, кўча ва паркларга 6 миллион тупдан ортиқ гул кўчатлари экилди. Пойтахтимиздаги кўп йиллик ва бир йиллик гулларнинг тури ҳозир 100 дан ортади. Биргина атр гулнинг 40 га яқин нави ўстирилмоқда. Гулзорларимизни, айниқса, гилам гуллар безамоқда. Улардан чиройли вазалар, ҳар хил ҳайвон силуэтлари, гилам гул пушталари ясалади. Тошкентда бундай гуллардан 4 миллион тупи бор.

Пойтахтимиз гулзорлари 40 гектардан ортиқ майдонни ташкил қилади. Яқин икки йил ичида гулхоналарни анча кенгайтириш мўлжалланмоқда. Бу иш аввало янги сквер ва парклар барпо қилиш билан амалга оширилади. 1961—62 йилларда шаҳримизда 28 та ана шундай гулзор-истироҳат жойи вужудга келтирилади. Ҳозиргача бу гулзорлардан 11 таси ташкил этилди. Жумладан, собиқ Ботаника боғи ўрнида Октепа массивида (инкита). Луначарскоеда — консерва заводи олдида ва бошқа жойларда гулзорлар, скверлар бунёдга келди. Оқтепа паркида ишлар қизитиб юборилган. Шу кунгача бу ерда 15 гектар майдоннинг 8 гектари кўкаламзорлаштирилди.

— Жамоат фойдаланадиган гулзор, кўкаламзор ерлар ҳали бизга етарли деб бўлмайди, — дейди шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш бўлимини нг бош агрономи ўртоқ В. Наруцкая. — Ҳозир шаҳарда бундай жойлардан ҳар бир киши бошига ўрта ҳисобда 3.5 квадрат метрдан тўғри келади. Перспектив планда эса бу рақамни 12 квадрат метрга етказиш мўлжалланмоқда. Яъни 380 гектар ерни ташкил этган жамоатчилик фойдаланадиган мавжуд парк ва скверларнинг умумий майдони 1500 гектарга етказилади.

Гулларни кўпайтиришга шаҳардаги тегишли ташкилотлардан ташқари гулчи ҳаваскорлар ҳам катта ҳисса қўшаётирлар. Тошкентдаги ҳаваскор гулчилар жамиятида ҳозир 500 дан ортиқ гулчи бор. Бу кўнгилли жамият аъзолари гулларнинг энг яхши хилларини пропаганда қилиш, жуда кам учрайдиган ниҳолларнинг коллекциясини тўплаш, жойларда ҳаваскор боғбонларга консультациялар бериш ҳамда гулларни нобуд қилувчиларга қарши курашиш билан шуғулланадилар. Гулларни кўпайтириб, ажойиб гулзорлар барпо қилиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган гулчилардан Акбар а л и Тошланов, агроном Л. Рябушкина (Тельман номли маданият ва истироҳат боғи), агроном Рахимбек Назарбеков ва Розагул Аҳмедова (Сталин номли парк) сингари ўз ишининг моҳири бўлган ўнлаб ўртоқларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг олижаноб меҳнати туфайли шаҳримизнинг ҳуснига-ҳусн қўшилмоқда.

Ўзбек гулчиларининг киевлик ҳамкасблари, Латвия республикаси ҳамда москвалик гулчилар билан алоқалари самарали натижалар бераётир. Айниқса, Украина пойтахтидан юборилаётган янги нав гуллар тошкентликларни ҳурсанд қилмоқда.

Меҳнаткашларнинг кўнгилли дам оладиган жойлари бўлган парк ва скверларда, кўча ва хиёбонларда ажойиб миришкор гулчилар қўли билан яратилган гулзорларимизнинг бузилишига, гул кўчатларининг босилиб кетиши ва нес-нобуд қилинишига сира йўл қўймайлик. Кўзларни завққа, дилларни кувончга тўлдирадиган анвойи гулларимиз халқ бойлиги ҳисобланади. Бу бойликни эҳтиёт қилиб сақлайлик!

С. МУСАЕВ.

Ядро қуроллари синови ўтказиш таъқиқлансин ❁ КПСС делегацияси Чехословакияда ❁ Конго парламенти чақирилиши керак ❁ Жанубий Кореяда давлат тўнтариши ❁ Лаосда мустаҳкам тинчлик ўрнатилсин!

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ ОГОҲЛАНТИРИШИ

ЖЕНЕВА. 15 май. (ТАСС). Бугун қисқа танаффусдан кейин Буюк Британия вакили раислигида, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги уч давлат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Америка делегати А. Дин биринчи бўлиб сўзга чиқди. У ўзининг узундан-узоқ баёнотида Америка таклифларини конструктив таклифлар деб исботлашга яна бир марта уринди ва «Совет делегацияси бу таклифларни қабул қилишни истамаётир», деб даъво қилди.

Шундан кейин сўзга чиққан Совет Иттифоқи делегати С. К. Царапкин Совет ҳукуматининг топшириғига мувофиқ, қуйидаги баёнотни берди:

«Совет Иттифоқи ҳар қандай ядро қуролларининг тўхтатилишига қатъий тарафдордир. Женевадаги музокараларда Совет томони атом ва водород бомбаларининг ҳамма синовларига самарали контроль остида узил-кесил ва абадий хотима берадиган шартноманинг тезроқ тузилишига эришиш учун тинмай куч сарфламоқда. Совет ҳукумати бундай шартноманинг келишиб олинишини енгиллаштиришга интилиб, ядро синовларини бир ўзи тўхтатди ва бунда Ғарб давлатлари ҳам бундай синовларни ўтказмайдилар, деб ўйлаган эди.

Бироқ, АҚШ ва Англиянинг ҳарбий иттифоқчиси Франция Бош Ассамблеянинг қарорига ва кўпгина давлатларнинг норозилигига қарамасдан, атом ва водород қуролини синаш мақсадида систематик суратда портлатиб келмоқда. Айниқса, ядро қуроли синовларини абадий тўхтатиш тўғрисида Женевада музокаралар олиб борилаётган бир пайтда Францияниинг бундай ҳаракатларини оқлаб бўлмайди. Совет томони Франция ҳукуматининг бу хил ҳаракатлари ядро қуролининг ҳамма синовларини тўхтатиш тўғрисида Женевада битим тузиш имкониятини мушкуллаштирмай қолмайди, деб неча марталаб кўрсатиб ўтган эди.

Францияниинг ядро қуроли синовларини давом эттираётганлиги Совет Иттифоқини шундай шароитда қолдирмоқдаки, бу шароит уни атом ва водород бомбалари синовларини яна бошлаб юборишга мажбур қилиши мумкин.

Совет ҳукумати кенгаш қатнашчилари бўлган АҚШ ва Англия ҳукуматларининг эътиборини шу фактга яна қаратадики, Совет Иттифоқи бундай синовларни ўтказмаётган бир вақтда уларнинг НАТО бўйича иттифоқчиси — Франция ядро синовларини давом эттирмоқда. Шу нарсага шубҳа қилмаслик мумкинки агар синовларни Франция эмас, балки Совет Иттифоқининг иттифоқчиларидан бири, масалан, Чехословакия ўтказганида эди, АҚШ ва Англия бундай синовларга қатъий равишда қарши чиқан бўлур эди.

Совет ҳукумати шу нарсани кўрсатиб ўтишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайдики, Ғарб давлатлари ғўруҳининг бирор қатнашчиси ядро қуроли синовларини бундан буён ҳам давом эттирадиган бўлса, у ҳолда бундай синовларни тўхтатиш тўғрисида битимга эришиш мумкин бўлмай қолади. Ўзўзидан равшанки, бунинг учун жавобгарлик Ғарб давлатларининг устига тушади».

Совет делегати ўз сўзида Францияниинг ядро қуроли синовларини давом эттираётганлиги ва келгусида ҳам бундай синовларни ўтказиш ниятида эканлиги фактига 21 мартдаёқ кенгаш қатнашчиларининг эътибори жалб этилганлигини таъкидлаб ўтди. Совет делегацияси ўша вақтда Францияниинг ядро қуроли синовларини давом эттириши БМТ резолюциясини кўпол суратда бузиш эканлигини ва музокаралардаги вазиятни жиддий равишда мушкуллаштираётганлигини айтган эди. СССР НАТО аъзоси бўлган Францияниинг ядро қуроли синовларини амалга оширганида. НАТО бўйича иттифоқчилик мажбуриятлари тариқасида бу ҳарбий гуруҳнинг бошқа аъзолари, яъни АҚШ ва Англия учун ҳам ядро қуролини такомиллаштириш соҳасида маълум ишларни бажариши мумкинлиги фактини музокаралар вақтида эътиборга олмаслиги мумкин эмас. СССР ядро синовларини ўтказмаслик ҳақидаги ўз мажбуриятларига виждон билан амал қилиб келаётган шароитда Ғарб давлатларининг бундай ҳаракатларини уларнинг ўзлари учун бир томонлама устунликларга эга бўлишга интилишларидан бошқа нарса деб бўлмайди. Совет делегацияси ўша вақтдаги ўз баёнотида буларнинг ҳаммаси шартнома тузиш имкониятини йўққа чиқариши, бундай шартномани бетайин бир нарса қилиб қўйиши мумкин деб таъкидлаган эди. Совет делегацияси АҚШ ва Англия ҳукуматлари бундан ўзлари учун ҳамма зарур хулосаларни чиқарадилар, деб умид билдирди.

Бироқ шундан кейинги воқеалар ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида шартнома тузиш ҳақида Женевада музокаралар олиб бораётган Ғарб давлатлари ҳукуматлари бу огоҳлантиришга тегишли аҳамият бермаганликларини кўрсатди.

Натижада АҚШ ва Англиянинг НАТО бўйича иттифоқчиси бўлган Франция ядро қуролини такомиллаштиришни давом эттирмоқда, ва маълумки, 25 апрелда Саҳройи Кабирда навбатдаги синовни ўтказиб, янги атом бомбасини портлатди.

Братиславада дўстона учрашувлар

БРАТИСЛАВА. 15 май, (ТАСС). Чехословакия Коммунистик партиясининг 40 йиллик байрамида қатнашиш учун Чехословакия Социалистик Республикасига келган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС делегацияси мамлакат бўйлаб саёҳат қилмоқда. Делегация бугун Братиславадаги «Кабло» заводида бўлди.

КПСС делегацияси чехословакиялик ўртоқлар билан биргаликда корхонанинг цехларини айланиб чиқди, заводнинг ишлари билан танишди. Ҳамма жойда КПСС ва совет халқининг вакилларини кадрдон дўстлардек самимий табрикладилар. Л. И. Брежнев билан ишчилар ўртасида бемалол ва самимий суҳбат бўлди.

Заводда меҳнаткашларнинг кўп кишилик митинги ўтказилди. Бу митингда Братиславадаги бошқа корхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Митингда нутқ сўзлаган Л. И. Брежнев Братиславада КПСС делегацияси самимий кутиб олинганлиги учун чизгин ташаккур билдирди ва шаҳар меҳнаткашларига оташин қардошлик саломи топширди. У, коммунизм қураётган совет халқининг муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди, КПСС делегациясининг бошлиғи «Кабло» заводининг коллективига ва Чехословакиянинг бутун шонли ишчилар синфига ватаннинг бахт-саодати йўлидаги ажойиб меҳнатларида янги муваффақиятлар тилади ва бузилмас дўстлик рамзи сифатида В. И. Ленининг скульптурасини эсдалик ҳадияси қилиб завод коллективига топширди.

Завод директори Швец ана шу ҳадия учун КПСС делегациясига самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Митинг тамом бўлади. Залда қарсаклар яна бошланиб кетади. КПСС ва Чехословакия Коммунистик партияси шарафига, чехословак—совет дўстлиги шарафига табрик хитоблари янграйди.

АНТУАН ГИЗЕНГАНИНГ ЖАҲОНДАГИ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРГА МАКТУБИ

ҚОҲИРА. 15 май. (ТАСС). Конго Республикаси қонуний ҳукуматининг бошлиғи Гизенга жаҳондаги барча мамлакатларга юборган мактубида бундай дейилади: Антуан Гизенга бошчилигидаги Конго министрлар совети Конго проблемасини ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлган бирдан-бир олий орган сифатида Конго парламентининг чақирилишини қатъий талаб этмоқда.

Бугун матбуотда эълон қилинган ана шу мактубда қуйидагилар айтилган: Министрлар Советининг Антуан Гизенга раислигида чақирилган мажлиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конго масаласи юзасидан чиқарган қарорларининг амалга оширилишини қатъий талаб этади. Конго парламентидан ташқарида — Тананаривда ёки Кокийавилда Конгонинг масъулиятсиз баъзи арбоблари (буларнинг қандай лавозимларда бўлишидан қатъий назар) томонидан қабул қилинган, ҳар қандай қарорлар Конго зиммасига ҳеч қандай мажбурият юклай олмайди.

Антуан Гизенга ўз мактубида эслатиб ўтадики, Конго ҳукумати бир вақтлар Касавубуни Республика президенти лавозимидан четлатиш тўғрисида декрет чиқарган эди. Касавубу ўзининг «Абако» партияси раҳбари сифатидаги турли кенгашларда раислик қилиб келмоқда, шу сабабли бу партиянинг қарорлари унинг ўзи учунгина мажбурий бўлиши мумкин.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

НЬЮ-ИОРК. 16 май. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Сеул радиосининг эшиттиришига асосланиб, Сеулдан хабар беради: Жанубий Корея офицерлари бугун эрта саҳар пайтида давлат тўнтариши ясаб, ҳукумат радиостанциясини ва ҳукуматга қарашли бошқа биноларни ишғол қилганлар.

Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Сеулдан хабар беради: 16 май саҳар пайтида Сеул кўчаларида Жанубий Корея денгиз пиёда аскарлари билан ҳарбий полиция ўртасида куч ли отишма бошланди. Денгиз пиёда аскарлари ҳукуматнинг баъзи биноларини, шу жумладан ташқи ишлар министрлиги биносини ишғол қилганликлари тўғрисида хабарлар олинди. АҚШнинг Жанубий Кореядаги қўшинлари қўмондони генерал Картер Б. Магрудер ўзининг 8-армиясига «тегишли чоралар» кўришни буюрган.

Сеул радиосининг хабар беришича, ҳарбий «революцион» комитет тузилган ва генерал-лейтенант Чан До Ен бу комитетнинг раиси қилиб тайинланган.

НЬЮ-ИОРК, 16 май. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги Сеул радиосига асосланиб, хабар беради: Бугун эрталаб давлат тўнтаришни қилган ҳарбий комитет Жанубий Кореянинг бутун территориясида ҳарбий ҳолат жорий этилганлигини эълон қилган.

ЛАОС МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ЖЕНЕВА КЕНГАШИ ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

ЖЕНЕВА. 15 май. ТАСС махсус мухбири К. Романовский ҳабар беради: Кеча, Ҳинди-Хитой масаласи юзасидан 1954 йилда Женевада ўтказилган кенгаш икки раисининг қўшма баёноти тез орада эълон қилинади, деган овозалар тарқалган эди, лекин бу овозалар бугун эрта билан ҳам тасдиқланмади.

Швейцарияда Лаос проблемасини тинч ҳал этиш юзасидан халқаро кенгаш ўтказилишига бағишланган музокаралар олти кундан буён давом этмоқда. 12 майда очилиши мўлжалланган кенгаш шу пайтгача бошланмаган йўқ. АҚШ давлат департаменти фактлар билан ҳисоблашишни истамай, Лаос исёнчилари делегацияси учун имтиёзлар беришни талаб қилаётганлиги сабабли делегатлар бир жойга тўпланиб мажлис ўтказа олмаётирлар (кези келганда шуни айтиш керакки, Лаос исёнчилари делегациясининг бошлиғи генерал Носаван ҳали ҳам бу ерга келгани йўқ). Раск исёнчиларга қарши курашда бирлашган Суванна Фума ҳукумати ва Нео Лао Хак Сат вакилларини тенг ҳуқуқли деб ҳисоблашдан бош тортмоқда

Женевада узоқ вақт тўхталиш ниятида бўлмаган Дин Раск ҳали ҳам бу ерда турибди. У, Осиёдаги бетараф давлатларнинг Вашингтонга нисбатан бўлган яхши ниятларидан тамомила маҳрум бўлиб қолмаслик учун ишни пайсалга сола бериш ярамаслигини тушунса керак.

А. Ф. ЗАСЯДЬКО ВЕНАГА КЕЛДИ

ВЕНА. 15 май. (ТАСС). Австрия ҳукуматининг таклифига биноан, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — СССР Давлат иқтисодий кенгашининг раиси А. Ф. Засядько бугун Венага келди. А. Ф. Засядько билан бирга СССР Госплани раисининг ўринбосари В. Б. Хлебников ва ташқи савдо министрлигининг коллегия аъзоси Л. И. Зорин ҳам келди. Совет меҳмонлари «Австрия национализация қилинган саноатининг 15 йиллиги» выставкасининг очилиши билан боғлиқ тантаналарда қатнашадилар.

ТОШКЕНТНИНГ ТАЛОША ЗАЛЛАРИДА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/V да **Алишер Навоий**, 18/V да **Улуғбек**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 18, 19, 20, 21/V кеч соат 8 да **Ҳинд рақс труппаси «Кумар Самбхав» спектакллари.**

К И Н О

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инсон таслим бўлмайди — «ВАТАН». НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва кеч 6 да).

Сўнгги залплар — «ВАТАН» (кеч соат 10 да).

Яна тонг отди — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Номавжуд одам — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ўгай она (кеч соат 6-50 минутда). **Йўлнинг охири** (кеч 8-40 ва 10-20 минутда)—НАВОИЙ номли.

Узун девор орқасида — «ИСКРА». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ». «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Инсон таслим бўлмайди — «ВАТАН» (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда). НАВОИЙ номли (кеч 9 ва 10-40 минутда). «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 10-20 минутда). ТЕЛЬМАН номли (кеч 8-40 минутда). «УДАРНИК» (кеч 8-45 ва 10-45 минутда) ПУШКИН номли (кеч 10-45 минутда).

Шўх йигитлар — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 яримда).

Евдокия — КАФАНОВ номли (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда)

Йўлнинг охири — ТЕЛЬМАН номли (кеч 10 яримда). ПУШКИН номли (кеч 8-50 минутда).

СТАЛИН НОМЛИ ПАРКДА

(ёзги театр)

20 майдан 30 майгача

ЛОҲУТИЙ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ

ТОҲИР ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

20/V да — **Дохунда.**
21/V да — **Рудакий.**
22/V да — **Момақалдироқ.**
23/V да — **Севганиндан айрилмасин.**
24/V да — **Имтиҳон.**
25 /V да — **Шоҳ Лир.**
26 /V да — **Хаёт ва ишқ.**
27 /V да — **Қулаш.**
28 /V да— **Севганиндан айрилмасин.**
30 /V да — **Рудакий.**

Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади.

Билетлар театр кассасида ҳар куни кундуз соат 2 дан ва район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

18, 19 майда

2 бўлимда

концертлар

Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Муҳаммаджон Мирзаев, Рушель Мордухаев**, солистлардан **Исҳоқ Катаев, Камтар Отабоев, Дилбар Абдуллаева, Дилбар Ҳўжаева, Болқиз Умарова** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Программада: ўзбек, тожик халқ ашула рақслари, совет композиторлари асарлари, юмор, сатира.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИНИНГ

Курант тагидаги 1-магазинида ва Червяков кўчаси, 51-уйдаги 33-магазинида

шу магазинларда бўлган

ТОВАРЛАРГА

олдиндан

ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ

СТОЛЛАР

ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

Товарларга заказлар эрталаб соат 9 дан кеч 10 гача 35-549 ва 51-462-телефонлар орқали ҳам қабул қилинади.

«Узтрансспецстрой» трестининг

МЕХАНИЗАЦИЯ БАЗАСИГА

экскаватор машинистлари ва ёрдамчилари, механик инженерлар ва ер қазиш машиналари техниклари, шоферлар

керак

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 10-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

2-Урицкий переулок, 1-тупик, 8-уйда турувчи **Адиба Абдураҳимовна Абдурашидованинг** Сағбон кўча, 4-тупик, 41-уйда турувчи Абдували Акбарович Умаровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Телевизор экранида

17 МАЙДА

19.00. **«Зайнаб ва Омон». А. Навоий номли опера ва балет театридан олиб кўрсатилади.**

Танаффус вақтларида телевизион янгиликлар.

18 МАЙДА

19.00. **«Дўстлар даврасида». Ўзбек тилида ёшлар учун эшиттириш.**

19.45 **Телевизион янгиликлар.**

20.05. **«Съездан-съездгача». Саноат ходимлари учун ўзбек тилида эшиттириш.**

20.25. **«Ленин мукофоти лауреатлари» циклидан рус тилида рассом М. Сарьян ижодига бағишланган адабий эшиттириш.**

20.50. **«Мўл ҳосил учун». Телевизион журнал.**

21.50 **А. Чехов — «Дачада». Харьков телевидение студияси маҳсулоти.**

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Прочаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 01591. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1597.